

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**«Химояга рухсат этилсин»**  
**Факультет декани**  
\_\_\_\_\_ т.ф.н., доц. Пирматов Р.Х.  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.

**5580200 «Бинолар ва иншоотлар қурилиши»**  
**йўналиши кундузги бўлим IV-курс талабаси**

**Хомидов Неъмат**

**“Тошкент вилоятидаги “Уч – қулоч” худудидаги кўрғошин – рух**  
**материалларини бойитувчи фабрика биносини лойиҳалаш” мавзусидаги**

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА**  
**Т У Ш У Н Т И Р И Ш Х А Т И**

Битирувчи 96-09 БИҚў гуруҳ талабаси:	_____	Хомидов Н.
Кафедра мудири:	_____	проф. Низомов Ш.Р.
Диплом лойиҳаси раҳбари:	_____	доц. Аликулов П.У.
Маслаҳатчилар:	ТАҚИ _____	проф. Сулаймонов С.
	ТАҚИ _____	доц. Юсупов У.
	САНИИРИдан _____	Зуев А.О.

**«Химояга тавсия этилсин»**  
«Қурилиш конструкциялари» кафедраси  
мудири проф. \_\_\_\_\_ Ш. Р. Низомов  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2014 й.

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**  
**БИНО ВА ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ**  
**“ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ**

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

**Т О П Ш И Р И Қ**

\_\_\_\_\_ (талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Институт бўйича 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сон буйруқ билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар \_\_\_\_\_

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар :

а) Архитектура – қурилиш қисми бўйича \_\_\_\_\_

б) Конструктив қисм бўйича \_\_\_\_\_

в) Мехнат муҳофазаси қисмлари бўйича \_\_\_\_\_

4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:

а) Архитектура-қурилиш чизмалари: \_\_\_\_\_

б) Конструктив чизмалар: \_\_\_\_\_

5. Диплом лойиҳаси қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошлан-ниш муддати	Тугаллан-ниш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси
1	Архитектура – қурилиш қисми				
2	Конструктив – ҳисоблаш қисми				
3	Меҳнат муҳофазаси қисми				

6. Топшириқ берилган сана \_\_\_\_\_

7. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси \_\_\_\_\_

Диплом лойиҳаси раҳбари \_\_\_\_\_ (имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди \_\_\_\_\_ (имзо)

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ (имзо)

## МУНДАРИЖА

I. Кириш.....	.....
II. Архитектуравий қурилиш қисми.....	.....
2.1. Қурилиш туманининг таснифлари.....	.....
2.1.1. Бинонинг ҳажмий режавий ечимлари .....	.....
2.2. Архитектура қурилиш қисми.....	.....
III. Бир қаватли саноат биносини ҳисоблаш ва лойиҳалаш.....	.....
3.1. Бир қаватли саноат биносининг том ёпмаси учун ишлатиладиган олдиндан зўриқтирилган тўсинни ҳисоблаш ва лойиҳалаш.....	.....
3.1.1. Икки нишабли, туйнукли тўсинларни лойиҳалаш учун умумий маълумотлар.....	.....
3.1.2. Икки нишабли олдиндан зўриқтирилган, туйнукли темирбетон тўсинни ҳисоби .....	.....
3.1.3. Тўсинга тушадиган юкларни ҳисоблаш.....	.....
3.1.4. Тўсинни нормал кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш .....	.....
3.1.5. Кесим юзаларининг геометрик характеристикалари .....	.....
3.1.6. Тўсиннинг ишлаш жараёнида нормал ёриқлар пайдо бўлишини аниқлаш	.....
3.1.7. Бетон зўриқтирилганда ёриқ пайдо бўлишини аниқлаш .....	.....
3.1.8. Тўсинни ишлаш жараёнида нормал ёриқларнинг очилишига ҳисоблаш ...	.....
3.1.9. Тўсин солқилигини ҳисоблаш .....	.....
3.1.10. Тўсинни қия кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш .....	.....
3.1.11. Тўсинни ўрнатиш (монтаж) босқичида ҳисоблаш .....	.....
3.2. Устунни ҳисоблаш ва лойиҳалаш .....	.....
3.2.1. Устун консолини ҳисоблаш .....	.....
IV. Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий меъёрий асослари .....	.....
4.1. Қурилишдаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари .....	.....
4.2. Қурилишни ташкил этиш ва ишларни амалга ошириш лойиҳасида меҳнат муҳофазасини ишлаб чиқиш .....	.....
4.3. Қурилиш монтаж ишларини амалга оширувчи ишлар учун меҳнат муҳофазасини ишлаб чиқиш .....	.....
Фойдаланилган адабиётлар.....	.....

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилоятни 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан, 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорагида Жиззах шаҳрида “Жиззах Тоштепа текс” тўқимачилик корхонаси, оҳак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Жиззах тоғ-кон кимё” корхонаси, Галлаорол туманида қурилиш қуми ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Фаворит линес” корхонаси, Жиззах туманидаги “Жиззах чорва барака” фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Жиззах пластекс” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси вилоятда энгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир. Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини мазкур корхона билан танишишдан бошлади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда энгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг яна бир амалий натижасидир, деди Ислон Каримов. Собиқ тузум даврида пахта хом ашёси минг азоб ва қийинчиликлар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига эътибор берилмаган. Аксинча бошқа ўлкаларга ташиб кетилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида қайд этилдики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда

давом этди, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, мамлакатда амалга оширилаётган ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегиясининг самарадорлиги, инқирозга қарши курашиш борасида тўпланган тажриба нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтларнинг, жаҳондаги етакчи илмий марказларнинг юқори баҳоларини олмоқда. Чунончи, 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари баёнотида барқарор банк тизими, давлат қарзи даражасининг пастлиги ва четдан қарзлар олишга пухта ўйлаб ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан муҳофаза қилганлиги, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсаётганлиги ва келгуси йилларда унинг янада фаол ўсиши прогноз қилинаётганлиги қайд этилди.

2012 йил якунларига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми — 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми — 13,9 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми — 14,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичидан ошмади.

Ўсаётган инвестициялар ҳажми иқтисодиётнинг барқарор юқори сифатлар билан ўсиши ва унинг тузилмасини диверсификациялашнинг энг муҳим манбаи бўлди. Инвестицияларнинг салмоқли қисми иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилди. Ўтган йилда мамлакат иқтисодиётига 11,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар жалб этилди, бу 2011 йилдагига нисбатан 14 фоиз кўпдир. Бунда барча инвестицияларнинг 22 фоиздан кўпроғини ёки 2,5 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил қилди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Экспорт ҳажми 11,6 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдоси таъминланди. Экспорт таркибида хом ашё бўлмаган тайёр товарлар улуши 70 фоиздан ошди.

Мамлакат аграр сектори деярли барча тармоқларининг динамик ривожланиши таъминланди. Дехқонларимиз томонидан мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 3,46 миллион тоннадан ортиқ пахта хом ашёси, 7,5 миллион тонна дон, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан кўп сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди ва йиғиб олинди.

Молия-банк тизими барқарор ва ишончли тарзда фаолият кўрсатмоқда. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси жаҳонда умумий қабул қилинган минимал талаблардан 3 баравар, унинг ликвидлиги эса 2 баравар ортиқдир.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан такомиллаштириш, шунингдек, кичик бизнес ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаш бўйича ишлар изчил амалга оширилди. Натижада кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 54,6 фоизгача, хизматлар соҳасида — 52 фоизгача кўпайди.

Мамлакат иқтисодиётининг динамик ривожланиши аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси янада ошиши учун зарур шарт-шароитларни таъминламоқда. 2012 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга, аҳолининг реал даромадлари — 17,5 фоизга ўсди. Умуман, аҳоли жон бошига реал даромадлар 2000 йилга нисбатан 8,6 марта, ўртача иш ҳақи эса истеъмол саватчаси қийматидан 4 мартадан кўпроқ ошди.

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш комплекс дастурининг бажарилиши туфайли қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 62 фоизи қишлоқ жойлардадир.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш кўламини янада кенгайтириш ҳисобига қишлоқ аҳолиси ҳаёти ва турмуши сифатини яхшилаш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат дастури доирасида 2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой қуриш мақсадлари учун 1,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 54 фоизга ортиқ маблағ йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

Таълим жараёнининг узлуксиз тизимини такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. Умуман, ижтимоий соҳани ривожлантиришга Давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 59,2 фоизи йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўз маърузасида ҳал этилмаган мавжуд муаммоларни батафсил ва ҳар томонлама таҳлил қилди ҳамда 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларини бажариш бўйича дастурий вазифаларга атрофлича тўхталди. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар олдига ҳар бир ҳудуд учун устувор тармоқларни аниқлаш, табиий-хом ашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоқлари, хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини тезкор ва мувозанатли ривожлантиришни ҳудудларни тармоқлар билан узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлашга, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга, фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишга, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш кўламинини кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни диверсификациялашга, шунингдек, йўл-транспорт, коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Жорий йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан белгиланган мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурий чоратadbирларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни, аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш, ижтимоий соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чоратadbирларни амалга оширишнинг зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

«Қурилиш конструкциялари» кафедраси топшириғига биноан «Термез ш. 10000 томошабинга мўлжалланган универсал спорт зали стадионни лойиҳалаш (Проектирование стадиона на 10 000 зрителей с универсальным спортивным залом в г.Термезе)» мавзусида малакавий диплом лойиҳаси бажарилмоқда. Диплом лойиҳа иши тушунтириш хати ва графика қисмлардан иборат. Тушунтириш хати қуйидаги қисмлардан ташкил топган:

1. Кириш.
2. Архитектура қурилиш қисми.
3. Ҳисобий конструктив қисм.
4. Меҳнат ҳавсизлиги қисми.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Графика қисми ..... вароқ А-І форматда келтирилган.

## II. АРХИТЕКТУРАВИЙ – ҚУРИЛИШ ҚИСМИ

Ўзбекистон республикаси – саноати ривожланган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ҳалқ хўжалигида 40% ишлаб чиқариш фонди ва мамлакатни бир миллионидан ортиқ меҳнаткаш аҳолиси банддир. Мамлакатнинг 14,0% ялпи ички маҳсулоти иқтисодни бу соҳасидан ишлаб чиқарилади.

Етакчи соҳаларда - пахта тозалаш, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқима, газ, рангли металлургия, электротехник, радиоэлектрон, кимё ва нефть-кимё саноати, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва мебелсозлик 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011-йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000-йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди. Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари Бекобод, Қувасой, Ангрен, Оҳангарон, Навоий цемент комбинатлари, Қувасой ва Ғазалкент ойна заводлари, Оҳангарон “Сантехқўйма», “Оҳангароншифер” ва қурилиш-пластмасса комбинатлари, Ангрен керамика ва Тошкент қурилиш материаллари, Олмалиқ ва Китоб тошга ишлов бериш заводлари, Жиззах полиэтилен қувурлари ва оҳак заводлари, Фарғона газ аппаратлари ҳамда Бухоро кулолчилик плиталари заводларида ишлаб чиқарилади.

## 2.1 ҚУРИЛИШ ТУМАНИНИНГ ТАСНИФЛАРИ

1. Қурилиш жойи – Уч - қулоч, Тошкент вилояти.
  2. Бинонинг ўлчамлари –36,0м х 96,0м; тўғри тўртбурчак шаклида.
  3. Қаватлар сони – 1.
  4. Устунлар тўри – 6х6м.
  5. Бино баланлиги –12,3м.
  6. Қурилиш ҳудудидаги грунт ҳақида маълумотлар.
    - грунт зичлиги 1.8 т/м<sup>3</sup>
    - чўкувчанлиги – II – тип.
    - музлаш чуқурлиги – 0,7м.
    - грунтнинг ҳисобий қаршилиги  $R_{гр}-0,3$  МПа
    - ер ости сув сатхи – 12,0м.
  7. Қурилиш ҳудудидаги иқлим шароити ҳақида маълумотлар.
    - шамол юки – 38 кг/м<sup>2</sup>
    - қор оғирлиги – 50 кг/м<sup>2</sup>
- Ташқи ҳаво ҳароратининг ҳисобий қийматлари:
- энг совуқ 3 кунлик –  $t = - 14^0$  С
  - энг иссиқ кунлик  $t = + 33^0$  С
8. Қурилиш жойи сейсмиклик зонаси – 8 балл.
  9. Бинонинг уст ёпма плитаси, ригел, пойдевор, устунларни лойihalаш учун қўлланиладиган оғир бетон синфи В20.
  10. Бўйлама ишчи стерженлар учун қўлланиладиган арматуранинг синфи А-III.
  11. Конструктив талабларга асосан қўлланиладиган арматуралар синфи А-I.
  12. Бино девори – каркасли панел деворлар.
  13. Деразалар – алюмин витраж.

### 2.1.1 Бинонинг ҳажмий режавий ечими

Ҳажмий режавий ечим технологик жараён асосида асбоб ускуналарнинг жойлашиши, ишлаб чиқариш иқлимий режими, иш жойларини табиий ёритиш шартлари ва маҳаллий қурилиш шарт-шароитлари асосида ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқариш корпуси бир қаватдан иборат бўлиб қуйидагилардан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш биноси режада тўғри тўртбурчак бўлиб \_\_\_ ва \_\_\_ ўқлар ва \_\_\_ ва \_\_\_ ўқлар орасидаги ўлчами 6,0 x 6,0 м бир қаватдан иборат. \_\_\_\_\_ ва ўқлар орасидаги ўлчами 24,0x12,0 м асосий бир қаватдан иборат. Ишлаб чиқариш корпусининг режаси максимал даражада фойдаланиш майдони ва асбоб – ускуналарнинг яхши қулай жойлаштириш мумкинлигини кўриш мумкин.

Бинони ёритилганлиги икки томондан табиий ёритиш деразалар орқали ва алоҳида махсус жойлар учун сунъий ёритгичлардан иборатдир.

Вентиляция мўрилар орқали ва табиий шамоллатиш деразалар орқали амалга оширилади.

Хоналар ишчи сувоқлари технологик жараён ва санитар гигиеник нормалари асосида бажарилиши керак. Асосий хоналар деворлари ва шифтлари силикат бўёқ ва панел қисмлари глазур плиткалардан қилиниши керак.

Ишлаб чиқариш корпуси узунлиги 60,0 м эни 36,0 м.

\_\_\_ ўқлар орасида 0,000 баландликда таъмирлаш базаси жойлашган.

\_\_\_ ўқлар орасида механизмлар сақлаш омборхоналари жойлаштирилган. Қўрғошин – руҳ материалларини бойитувчи блок \_\_\_ ўқлар ва \_\_\_ ўқлар орасида жойлашган.

Иш жойларида ҳавони алмаштириш ва меъёрларда кўрсатилганидек ушлаб туриши учун махсус вентиляция камералар ўрнатилган бўлиб 0,000 баландликда 2-3 ва Б-В ўқлар орасида жойлаштирилган. Электрошит 6,000 баландликда 32- 34 ва А-Б ўқлари орасида жойлаштирилган.

Бионинг ҳажмий режавий кўрсаткичлари:

Қурилиш ҳажми – 7898,0 м<sup>3</sup>

Қурилиш майдони – 667,0 м<sup>2</sup>

Фойдаланиш майдони – 1095 м<sup>2</sup>.

## **2.2 Архитектура қурилиш қисми.**

Ишлаб чиқариш биноси лойихаси панелли каркасли лойихаланган.

Бино узунлиги – 60 метр, эни – 36 метр.

Бинода дарвоза, эшик жойлашган.

Қурилиш тури – фонарли – сунний ёритгичлар ва механик вентиляциялар қўлланилади.

### Пойдеворлар.

УТР-03.2-80 Выпуск 1 серияли йиғма темирбетон стакансимон ҳар битта устун остига пойдеворлар қўлланилган. Стакан ости элементлар темирбетонли. Пойдеворлар 1.6 м метр чуқурлигида жойлаштирилади.

Стакан ўлчамлари 1200x1200 мм.

Устун ости чуқурлиги 500x400x800.

### Каркас элементлари:

Каркас сифатида кесими 800x400 мм темирбетон устунлар қўлланган.

Четки устунлар қадами - 6 м.

Ўрта устунлар қадами - 6 м.

Шу билан бирга кесими 400x400 мм фахверклар ҳам қўлланилган.

### Боғловчилар:

Стропил конструкциялари бўйича ўрта қисм учун 1.460-4 серияли выпускадаги вертикал боғловчилар қабул қилинган.

### Деворлар:

Ташқи деворлар қалинлиги 400 мм, ғовакли бетонни зичлиги  $\rho=700 - 800 \text{ кг/м}^3$  бир қаватли панеллардан қилинган. Ички кўтарувчи деворлар мқавжуд эмас. Пардадеворлар қалинлиги 120см М75 маркали ғишдан М50 маркали цемент қумли қоришмада бажарилган. Баладлиги бўйича ҳар 7 қатор

бўйлама Ø5 В1 стерженлар ва кўндаланг стерженлар симтўри билан арматураланган. Симтўр ҳар 3 метрда пайвадланган.

#### Поллар:

Поллар саноат бинонинг энг қиммат ва кўп меҳнат сарфланадиган конструкция элементларидандир. Бу бинони Пол сатхи 150 мм лойиҳаланган ҳудуд сиртидан баланд жойлашган. Пол конструкцияси қуйидагин иборат: тайёрланган асос устидан тайёрлов қатлаидан, гидроҳимоя қатлами, ёпма остига юпка қатлаидан, пол қопласидан иборат

Бетон синфи В15

1. Тўшама қатлам: бетон синфи В15 - қалинлиги 40 мм
2. Шағал билан зичланган грунт - 80 мм

Пол конструкцияси:

#### Фермалар:

Лойиланаётган бино учун қўлланилаётган ферма тури - пўлат ферма.

Ҳозирги даврда учбурчак шаклли, трапециясимон, параллел камарли ва кўпбурчакли полигонал фермалар қўлланилади. Учбурчак шаклли фермалар том ёпмасига кескин қиялик  $25^0 - 45^0$  талаб этадиган материаллар билан ёпилишда қўлланилади. (тўлқинли асбест-цемент шиферлар, черепицалар ва б.)

Таянч қисми мураккаб устун билан фақат шарнир орқали бириктирилади. Аксарият ҳолларда ферманинг ўлчамлари ундан фойдаланишдаги, меъморчилик ва технологик талабларга кўра белгиланади.

Фермани асосий элементлари:

- 1) Пўлат конструкция шаклини ташкил қиладиган камарлар.
- 2) Тиргак ва тирговичдан тайёрланган панжара.

Бу элементлар ҳаммаси пайванд ёрдамида пайвандланади.

#### Тўсин:

Темирбетон стропил тўсинлар ГОСТ ва сериясига асосланиб тайёрланади.

Улар ораёпма ва ёпма кўтарувчи элементлар сифатида саноат биноларни том ёпма конструкциялари вазифасини бажаришади. Қўлланиладиган тўсинлар тури:

- 1) Икки нишабли темирбетон туйнукли тўсин, узунлиги 18 м;

2) Осма кўтарувчи транспорт ускунаси билан жиҳозланган тўсин , кўтариш қобилияти 5 тоннагача.

Бинонинг уст ёпмаси ва қаватлараро ёпмаси йиғма темир бетон қобурғали плиталардан иборат бўлиб ўлчами 1,5х6,0 УТР46 серия 1,465, 1-7/84 вып.1. маркадан иборат.

Том ва том ёпмалари: Бино том қисми 1'1/2; А-В ўқлар ораси; 1-5 А-В ўқлар ораси, 5-7; Г-Е ўқлар орасида нишабли тўшамани ва 5-7; А-В ўқлар орасида металл ферма, ва профнастилдан иборат қурилмалардир. Бинонинг нишабли тўшамага том қисмига 4-қават рубероид қатлами, цемент қумли сувоқ-керамзит қатлами, паранзоляция қатламларидан ташкил топган. (9-10 расм). Бино том тўшамаси ҚМҚ 2.03.10-95 “томлар ва томқопламалар” меъёрларига жавоб беради.

Том ёпмаси 30 м фермалар ва 18 м тўсинлар.

Ёпма плиталар:

Ёпма панеллар темирбетон қовурғали плиталар, ўлчами 3х6 м;

Иссиқ битум билан сувалган буғдан ҳимоя қатлами;

Изувер иситгич,  $\sigma = 150$ ;

Цемент тортгич;

“Унифлекс” гидро ҳимоя қатлами.

Пўлат ферма учун ёпмалар:

Профилланган пўлат тўшама;

Буғдан ҳимоя қатлами рубероид бир қатлам;

Иссиқ изоляция қатлами;

Цемент қум тортгич;

Битум мастика билан сиртни грунтлаш;

“Велифлекс” тўшама қатлами.

Ёритилиш

Бино таббий, сунний ва бир бирини қоплайдиган ёритгичлар билан лойиҳаланади.

Саноат биноларни таббий ёритилиши юқори, ёндан юқори ва ёндан бўлган ёритилиш билан бажарилади.

#### Сарбасталар.

Лойихада бино сарбасталари ПР-1; ПР-2; ПР-3; ПР-4; ПР-5; ПР-6 ва ПР-7 белгилаш орқали кўрсатилган. Тўғри тўртбурчакли деразалар учун РСТ Уз 777-97 ва серия 1.139-1 маркалардаги типовой сарбасталар қўлланилган. Бино сарбасталари ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш” меъёрлари асосида танланган. Сарбаста лойихада дераза ўринларига қараб белгиланади.

#### Бино дераза , эшиклар:

Бино эшиклари ички икки табақали ва ташқи икки табақали, технологик жараёни хисобга олган ҳолда танланади. Бино эшиклари асосан металлдан ишланган бўлиб ГОСТ 18853-81 КСИ-90/43, ГОСТ 14624-84 КСИ-90/43, ГОСТ 6629-88 КСИ-90/43 стандартларига жавоб беради. Бино эшиклари ВРГ; ДНГ, ДН, ДГ, ПД, ДВГ маркадаги типовой эшиклардир. Ички эшиклар ёғ бўёқ билан бўялган. Эшик ўлчамлари 2x2,5 м. Эшиклар тавакасига ўрнатилган дарвозалар куштабақали, тархдаги ўлчамлар - 4x4,2 м. Деразалар учун тентасимон деразалар қўлланилади: блоклар 6x1,2 м.

#### Ёнғинга қарши чора тадбирлар.

Ишлаб чиқариш корпуси ёнғин хавфсизлиги бўйича “А” “Б” ва “В” категорияларга киради. Шунинг учун бинода қўлланилган конструкциялар оловбардошлиги бўйича II гуруҳга киради. Бинода эвакуация қилиш чоралари меъёрларда кўрстилгандек талабга жавоб беради. Лойиҳалаш вақтида ишчиларни ёнғин хавфидан озод қилувчи махсус сигнализациялар ҳисобга олинган. Ишчиларни эвакуация қилиш йўлларида бинонинг ички сувоқлари ва шифтлари оловбардошлиги таъминланган. Бино ташқарисида ёнғин хавфсизлиги учун ишлатиладиган махсус нарвонлар қўйилган. Бино ичкарисида ёнғин хавфсизлиги гидрантлари қўйилган.

Бино ичидаги омборхоналар, ёрдамчи майдонлапр ишлаб чиқариш майдонлари билан тўсилган пардеворлар ўрнатилган. Пардеворнинг оловбардошлиги 1-шипга мос ҳолда, эшиклари эса оловбардошлиги

таъминланган. Оловбардошлиги бўйича “А” категориядаги ишлаб чиқариш корпуси чиқиш тамбур орқали амалга оширилади. “А” категориядаги майдонларда портлаш вақтида енгил ўсувчи конструкциялардан қилинган.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бино конструкция ва элементлари ШНК-2.01.02-04 меъёрларида кўрсатилганидек талаб даражасида бажарилган.

Ёнғин хавфи бор хоналарда эшиклар ёнмайдиган материаллардан қилинган.

Танланган конструкциялар лойиҳада кўрсатилган.

#### Коррозияга қарши чора тадбирлар.

Ҳамма пойдеворлар, ер ости каналлари, ер ости чуқурчалари қуйма икки марта иссиқ битумдан суволган ва ташқи томонидан ҳимояловчи изоляция билан мойланган.

#### Фойдаланилган конструкциялар ва ҳисобий характеристикалари.

##### Пойдеворлар.

Лойиҳада стакан ва тасма типдаги пойдеворлар қўлланилган.

- Пойдеворларни лойиҳалаш учун қўлланилган бетон синфи В20.
- Бўйлама ишчи арматуралар синфи А III.
- Конструктив талабларга асосан қўлланиладиган арматуралар синфи А-I; Вр-I. Танланган материаллар ҳисобий характеристикалари.
- В20 синфидаги бетон учун;
- Биринчи ва иккинчи чегаравий ҳолатлар учун бетоннинг призма мустаҳкамлиги  $R_b=11.5$  МПа
- Бетоннинг ўқ бўйлаб чўзилишга бўлган меъерий қаршилиги  $R_{bt}= 0.9$  МПа
- Бетоннинг бошланғич эластиклик модули  $E_b=27*10^3$  МПа
- А III синфидаги арматуранинг чўзилишга бўлган ҳисобий қаршилиги  $R_s=365$  МПа ва  $355$  МПа
- А-I синфидаги арматуранинг меъерий чўзилишга қаршилиги  $R_s= 225$  МПа,  $R_{sw}=175$  МПа;

-Вр I синфидаги арматуранинг меъёрий чўзилишга қаршилиги  $R_s=365$  МПа,  $R_{sw}=265$  МПа.

#### Устунлар.

Лойихада 40x40 ўлчамдаги қуйма устунлар қўлланилган.

Устунларга қуйидаги материаллар ишлатилган.

- Устунлар лойихалаш учун ишлатилган бетон синфи В20.
- Ишчи арматуралар синфи А III.
- Конструктив талабларга асосан қўлланилган арматуралар синфи А I ВрI. Танланган материаллар хисобий характеристикалари.
- Бетоннинг призма меъёрий мустахкамлиги  $R_b=11.5$  МПа
- Бетоннинг ўқ бўйлаб чўзилишга бўлган меъёрий қаршилиги  $R_{bt}= 0.9$  МПа
- Бетоннинг бошланғич эластиклик модули  $E_b=27*10^3$  МПа

А III синфидаги арматуранинг меъёрий чўзилишга қаршилиги  $R_s= 225$  МПа,  $R_{sw}=175$  МПа;

-АI синфидаги арматуранинг меъёрий чўзилишга қаршилиги  $R_s= 225$  МПа,  $R_{sw}=175$  МПа;

-ВрI синфидаги арматуранинг меъёрий чўзилишига қаршилиги  $R_s=365$  МПа,  $R_{sw}=265$  МПа.

Лойихада устунлар учун қўлланилган арматуралар диаметри хисоблаб топилган.

#### Тўсинлар.

Лойихада қуйма тўсинлар қўлланилган бўлиб қуйидаги материаллар ишлатилган.

- Тўсинни лойихалаш учун ишлатилган бетон синфи В20.
- Тўсиннинг ишчи арматуралар синфи.
- Конструктив талабларга асосан А III қўлланилган арматуралар синфи АI; ВрI. Танланган материаллар хисобий характеристикалари.
- Бетоннинг призма меъёрий мустахкамлиги  $R_b=11.5$  МПа

- Бетоннинг ўқ бўйлаб чўзилишга бўлган меъерий қаршилиги  $R_{bt} = 0.9$  МПа

- Бетоннинг бошланғич эластиклик модули  $E_b = 27 \cdot 10^3$  МПа

А III синфидаги арматуранинг меъерий чўзилишга қаршилиги  $R_s = 225$  МПа,  $R_{sw} = 175$  МПа;

-АI синфидаги арматуранинг меъерий чўзилишга қаршилиги  $R_s = 225$  МПа,  $R_{sw} = 175$  МПа;

-ВpI синфидаги арматуранинг меъерий чўзилишга қаршилиги  $R_s = 365$  МПа,  $R_{sw} = 265$  МПа.

Лойихада тўсинларга қўлланилган арматуралар қўлланилган арматуралар диаметри ҳисоблаб топилади.

#### Ораёпма ва устёпма плитаси.

Бинонинг устёпма ва ораёпма вақтинчалик ва доимий юкларни назарга олган ҳолда ҳисоблаб топилади. Олдиндан йиғма шаклидаги қобурғали плита ўлчами 1,5x6,0 м, УТР 46 серия 1.465.1-7/84 вып1. типовой конструкцияни танлаймиз. Ва баъзи жойларда йиғма темир бетон юмалоқ бўшлиқли плиталар қўлланилган, унинг маркаси серия 1.465.1-1/95 п.1.

#### Деворлар.

Лойихада деворлар орасига баландлиги бўйича СГ-1 675 қадам билан сетка қўйилган бўлиб теримнинг ҳисобий қаршилиги  $R_{bt} > 120$  МПа теримнинг эни 380 мм. Теримга ишланилган ғишт маркаси М75 қоришма маркаси М50.

#### Сердечниклар (ўзаклар).

Сердечниклар пардеворлар ва ғишт деворлар узунлиги 5м дан ошган бўлса ва дераза ва эшик приёмлари атрофига қалинлиги 130мм ва бетон синфи В15 бўлган куйма сердечниклардан иборат. Унга 2Ø12 АIII ва Ø6АI қадам 200 нарвон шаклидаги арматуралар қўлланган.

#### Пардадеворлар

Лойихада пардеворлар М75 бўлган пишиқ ғишт ва М50 бўлган қоришмадан эни 120 мм бўлган ғишт теримидан иборатдир. Ҳар <5м бўлган масофаларга баландлиги бўйича сердечниклар қўйилган.

### Томлар

Бино томи нишабли тўшамали бўлиб қисман металл ферма ва профпастилдан қилинган. Тўшамали қисмига 4-қават рубероид, цемент қумли сувоқ М150, параёзоляция ва бошқа қўшимча материаллардан ташкил топган.

### Деразалар

Бино деразалари лойихада тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланган.

### Сарбаста.

Бино сарбаста тўғри тўртбурчакли деразаларга ва эшик устларига қўйилган бўлиб РСТ Уз777-97 ва серия 1.136-1 маркадаги типовой сарбаста қўлланилган.

### Бино эшиклари.

Бино эшиклари технологик жараёнларини ҳисобга олган ҳолда металлдан ишланган бўлиб ГОСТ 18853-81 КСИ-90/Уз ГОСТ 14624-84 КСИ-90/Уз, ГОСТ 6629-88 КСИ-90/Уз стандартлари асосида танланган типовой эшиклардир.

### Бино поллари.

Бино поллари технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда бетонли поллар танланган. Полларга бетон синфи В7,5, В15, В20 ва қоришма маркази М150 бўлган материаллар ишлатилган.

### Бионинг фасади

Бино фасадига М100 бўлган цемент қумли сувоқ ва устидан фасад қараси билан бўялган. Цокол қисмига М150 бўлган цемент қумли сувоқ ишлатилган. Дераза токчаси ва парапет қисмлари ГОСТ 14918-80\* t=0, мм стандартдаги металл қопламалар билан химояланган.

### **III. Бир қаватли саноат биносининг асосий юк кўтарувчи конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш**


**Берилган маълумотлар бўйича бинони қуйидаги элементларини ҳисоби бажарилган:**

*Бино кўприксимон кран билан жиҳозланган. Рама статик кучларга ҳисобланган. Бу кучлар таъсирида устун ва тўсиннинг кесим юзасида ҳосил бўладиган кучланишлар аниқланган. Бу кучланишлар асосида элемент кесим юзасининг ўлчамлари ва керакли бўлган арматура юзаси топилган.*

1. Бир қаватли саноат биносининг конструктив ечими. Ўлчами 18х60 м бўлган бир қаватлик саноат биносининг конструктив элементларини ҳисоблаш талаб этилади. Икки оралиқли бу бино ўлчами 18х6 м устунлар қатори билан ажратилган. Бинонинг ҳар бир оралиғига  $Q_{кр}=20$  тн кўтариш қувватига эга иккитадан кўприксимон кран ўрнатиши кўзда тутилган. Ердан страпила бўлган конструкциясининг пастки қисмигача баландлик  $H=9.6$  м ни ташкил этади. Бир қаватли саноат биносининг кўндаланг йўналиш бўйича турғунлигини кўндаланг рама ва унинг таркибига кирувчи устун ва ригеллар, узунасига эса устун ва тўсинлардан иборат бўйлама рамалар билан таъмин этилган. Улар таянч нуқталарида махсус боғлагичлар орқали страпила конструкциясининг марказий қисми ва устунлар билан узвий боғланган.


3-расмда бино томи конструкцияларини боғлагичлар ёрдамида қандай маҳкамлаш ифодаланган. Том ёпмалари вертикал томдан, қордан тушадиган юклар ҳамда вентиляция мосламалари ва бошқа қурилмалари билан биргаликда страпила конструкциясига тушади. Шунингдек улар бино синчининг зилзила, шамол таъсирига қолаверса кўтарма кранларнинг ёнлама таъсирдан сақланиши учун горизонтал боғлагич бикир диск шаклида вазифасини ҳам бажаради.

Саноат биноси узунлиги иқлим таъсирини ҳисобга олган ҳолда антисейсмик чоклар билан мужассамлаштирилади. Чоклар узунлиги аниқ ҳисоб-китобларга кўра белгиланади.



2-

расм. Бинонинг бўйлама қирқими.



3-

расм. Том ёнма тархи. Бўйлама ўқлар бўйича боғланиши.

1. 30 тн гача юк кўтарувчи кўприксимон кранлар билан жиҳозланган (оралиғи 6 м ва баландлиги 16.2 м дан кам бўлмаган устун) (1-расм) бинолар устунларининг ташқи томони ва деворларнинг ички-устки қисми узунасига оралиқ ўқлар билан бирлаштирилади (нол боғланиш).

2. 50 тн гача юк кўтарувчи кўприксимон кранлар билан жиҳозланган (оралиғи 6 м ҳамда баландлиги 16.2 м ёки 18 м шунингдек оралиғи 12 м ва баландлиги 8.4 м дан 18 м гача бўлган бинолар устунларининг ташқи томони

ва деворларнинг ички-устки қисми бўйича 250 мм лик оралиқ ўқлари билан бирлаштирилади. Маълум асосларга эга бўлган ҳолда устунларнинг ташқи томони ва деворларнинг ички-устки қисмини бўйига 500 мм лик оралиқ ўқлари билан бирлаштиришга рухсат берилади.

3. Ўрта қатор устунлари узунасига антисейсмик чоклар билан бирлаштирилган бир йуналиш оралиғида баландлиги ўзгарадиган ўрта қатор устунларидан ташқари уларнинг кран ости қисмлари бўйига ҳам энига ҳам оралиқ ўқлари мос келиши керак.

Кўндаланг ўқларнинг жойлашиши.

Устунларнинг геометрик ўқи бино бурчагида жойлашган ҳамда ҳарорат чоклар билан уйғун устунларни истисно қилинган ҳолда энига йўналтирилган ўқлари билан бирлаштирилади.

Асосий синчнинг бурчак устунлари геометрик ўқи энига жойлашган 500 мм лик бино ичига томон сурилган ўқлар билан бирлашади. Бурчак деворларининг ички қисми бинонинг ён томони билан жойлашган ўқларга мос келади ( нол боғланиш ) (3- расм). Баландлиги 9.6 м бўлиб, 30 тн гача юк кўтарувчи кранлар билан жиҳозланган, оралиғи 24 м лик бўлган бино устунлари тўғри бурчаклик қилиб қабул қилинади. Агар бинонинг параметрлари юқорида келтирилган қийматлардан катта бўлса у ҳолда ички тешикли устунлар қўлланилади.

### Ҳисоблаш учун керакли маълумотлар.

Қурилиш ҳудуди:

1. Қор қалинлиги бўйича П ( $S_0=0.5 \text{ кН/м}^2$  )
2. Шамол босими (тезлиги) бўйича Ш ( $W_0=0.38 \text{ кН/м}^2$ )

Бир қаватлик саноат биносининг конструктив асосини йиғма темирбетон конструкциядан йиғиладиган каркас асосида бўйлама ва кўндаланг рамалар ташкил этади.

Каркали бино элементларининг конструкциялари.

Ўлчами 3×6 м олдиндан зўриқтирилган том ёпма плиталари.


Плитанинг марка ва серияси	Бетоннинг синфи	Материал сарфи		1-жадвал
		Бетон, $\text{м}^3$	Пўлат.кг	Плитанинг огирлиги, кН
1	2	3	4	5
$\frac{AV}{3 \times 6} - 5$	B25	1.07	103	27

Бино томи рулонли тўшама билан ёпилган ҳамда икки нишабли узунлиги 18м. бўлган олдиндан зўриктирилган панжарасимон туйнукли тўсин билан жихозланган.

2-жадвал

Тўсиннинг марка ва серияси	Кесим юзасининг улчамлари.мм		Бетоннинг синфи	Материал сарфи		Тўсиннинг оғирлиги, кН
	h <sub>1</sub>	h <sub>2</sub>		Бетон, м <sup>3</sup>	Пулат,кг	
1	2	3	4	5	6	7
БДР 18-2	320	360	В30	3,4	307	92
A-V						


Четки устунлари оралиғи 6м., ўртадагилари оралиғи 6 (12м). бўлиб, 10-20т. лик кўприксимон кран билан жихозланган, оралиғи 18-24м. бўлган бир қаватлик бинонинг устунлари яхлит кесимли тўғри бурчаклик қилиб лойиҳаланади.



3-жадвал

Устуннинг марка ва серияси	Устун қадами, м	Полдан баландлиги, м		Кранни юк кўтариши (тн)	Устун улчамлари (мм)					Бетоннинг синфи	Материал сарфи		Устун оғирлиги, кН
		Сторопил конструкциясининг пастки қисмига-ча	Кран рельсининг юқори қисмига-ча		Н	h	a	b	c		Бетон м <sup>3</sup>	Пўлат кг	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
КП1-5	6	9.6	6.95	20	10600	6800	800	400	380	В20	2.83	271	71
КП1-8	6	9.6	6.95	20	10600	6800	800	400	600	В20	3.67	421	92


Олдиндан зўриктирилган кран ости йиғма тўсинлари.  
 КЭ-01-40 сериясидаги Q=5÷20т. юк кўтарувчи кранлар билан жиҳозланган,  
 оралиғи бм



4-жадвал

Балканинг марка ва серияси	Ўлчамлар (мм)			Бетоннинг синфи	Краннинг юк кўтариши, Q <sub>тн</sub>	Материал сарфи		Тўсин огирлиги кН
	l	b	h			Бетон, м <sup>3</sup>	Пулат, кг	
1 БКНЛ6- 1К	2 5950	3 350	4 1000	5 В25	6 20	7 1.17	8 178	9 29.3

5. Қалинлиги 240мм. бўлган, енгил бетондан тайёрланган оралиғи бм. лик  
 устунларга ўрнатилган девор панели (иситиладиган бинолар учун).



ПШЮ – парапет панелининг юқори қисми  $ПШЮ = СКТ + h_T + h_{пл} + t_{кр}$  (20...30см) СКТ=9,6м стропила конструкциясининг таг қисмигача бўлган


масофа  $h_T = 0.89$  м. стропила тўсинининг таянч қисми баландлиги  $h_{пл} = 0.3$  м  
 плита баландлиги  $t_{кр} = 0,2 + 0,3$  м том ёпма тўшамасининг қалинлиги парапет  
 панелининг юкори кismi ППЮ=11.4 м.

5- жадвал

Панел чизмаси	Панел маркаси	Панелнинг қалинлиги	Бетоннинг хажмий огирлиги, кг/м <sup>3</sup>	Материал сарфи Бетон, м <sup>3</sup>	Пўлат, кг	Панел огирлиги, кН
1	2	3	4	5	6	7
6000	$\frac{ПСЛ20}{1.2 \times 6}$	200	900-1200	1.14	28-119	20
6000	$\frac{ПСЛ20}{1.8 \times 6}$	200	900-1200	1.70	34-151	30

Кран жиҳозларининг асосий кўрсаткичлари.

Берилган топшириққа кўра, ўртача иш режимли  $Q=20$  т. юк кўтарувчи  
 кўприксимон кран қабул қилинган.



$$l_{кр} = l - 2 \cdot \lambda = 18 - 2 \cdot 0,75 = 16,5 \text{ м}$$

Q (тн)	I <sub>кр</sub> , (м)	Асосий ўлчамлар (мм)			Рельс краннинг	Кран гилдирагининг рельсга таъсир қилаётган босими				Огирлиги (кН)	
		B	K	H		P <sup>max</sup>	P <sup>min</sup>	T	T <sub>пр</sub>	аравача	краннинг
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
20	16.5	6300	4400	2400	R43, KP70	195	48	7.1	19.5	85.0	285

### 3.1. Бир қаватли саноат биносининг том ёпмаси учун ишлатиладиган олдиндан зўриктирилган тўсинни ҳисоблаш ва лойиҳалаш

#### 3.1.1. Икки нишабли, туйнукли тўсинларни лойиҳалаш Умумий маълумотлар

Ёпма ости темирбетон тўсинлар асосан 12 ва 18 м равоғли саноат биноларини ёпишда қўлланилади. Тўсинларнинг ўрта қисмининг кўндаланг кесим юзаси тўғри тўрт бурчакли, тавр ёки қўштавр, таянч зона қисми эса, тўғри тўртбурчак шаклида олинида. Кўп холларда икки нишабли тўсинлар деворларининг ўрта қисми синиқ кўп бурчак шаклида туйнукли қилиб тайёрланади (тўсиннинг вазнини енгиллаштириш мақсадида). Бу тешиқларнинг ҳар бирининг юзаси 0,5...1,0 м<sup>2</sup> тенг бўлади. Шунинг учун уларни туйнукли тўсин дейилади. Икки нишабли туйнукли тўсинлар горизонтал ҳолатда тайёрланади. Улардаги тешиқлар тўсин вазнини енгиллаштириш билан бирга бетонни тежашда ҳамда хар-хил коммуникацияларни ўтказишда хизмат қилади.

Бу тўсинлар В20...В60 синфли оғир бетонлардан тайёрланади. Тўсинларнинг узунлиги 12 м ва ундан ортиқ бўлгани учун, улар ўта мустаҳкам пўлат арматуралар жихозланади ва олдиндан зўриктирилади.

Зўриктирилган арматура сифатида В-II, Вр-II, К-7, К-19, А-IV, А-V ва А-VI ва оддий арматуралар сифатида эса А-I, А-II, А-III ва Вр-I синфли арматуралар қўлланилади.

Вақтинча ва доимий таъсир этувчи юклар тўсинга том ёпмаларининг қобирғалари ёрдамида таянч қисми орқали тўсинга тўпланган (йиғиқ) юк тарзида узатилади. Агар тўпланган юкларнинг сони 5 ва ундан ортиқ бўлган холларда, уларни тенг тарқалган (ёйиқ) юк билан алмаштиришга рухсат этилади.

Бунда ёруғлик ва ҳаво алмашинуви фонарлари ҳамда осма транспорт воситаларидан тушадиган юклар тўпланган йиғиқ юклар тарзида олинади.

Икки нишабли туйнукли тўсиннинг геометрик ўлчамлари ва уни арматураланиш тархлари 1, 2 ва 3 расмларда келтирилган. Тўсин ўрта қисмининг баландлиги  $h = \left( \frac{1}{10} \dots \frac{1}{15} \right) l$  га тенг қилиб, устки камарининг қиялиги  $i =$

$\frac{1}{10} \dots \frac{1}{15}$  оралиғида, таянч қисми баландлиги эса  $h = 800 \dots 900$  мм оралиғида олинади. Тўсиннинг остки камарининг ўлчами эни олдиндан зўриктириладиган

арматураларнинг жойланиш шартига асосан,  $B=200\dots300$  мм оралиғида олинади.

Тўсиннинг сиқилувчи камарининг баландлиги қуйидаги шартга биноан олинади.

$$h'_f > \mu h_0 \frac{R_s}{R_b} \quad (1)$$

бу ерда  $\mu=0,004\dots0,005$  арматуралаш коэффициентини бўлиб, тўсин деворидаги туйнукни ҳисобга олган ҳолда.

Йиғма стропил тўсинларни ҳисолашда уни икки таянчга эркин таянган ҳолда деб қаралади (4б-расм).

Бу ҳолда тўсиннинг узунлиги қуйидагича аниқланади (4а-расм).

$$l_0 = l - 2\delta - 2c \quad (2)$$

Бу ҳил тўсинлар кўп ораликли статик ноаниқ ва тугунлари бикир бирлаштирилган узлуксиз қатор рамалардан иборат деб қаралади. Бу рамалардаги зўриқиш ва деформациялар ЭХМ орқали аниқланади. Бирок лойиҳалашда уни содалаштирилган ҳолда туйнукли тўсин тарзида ҳам ҳисоблаш мумкин (4б-расм).

Икки нишабли тўсинларда энг хавфли кесим тўсиннинг ўрта қисмида эмас, балки таянч қисмидан  $L=(0,35\dots0,40)l$  масофада бўлади. Бўйлама ишчи арматуранинг юзаси шу кесим учун топилган эғувчи момент бўйича аниқланади.

Тўсиннинг кесим юзалари учун эғувчи момент қийматлари (5-расм) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M=0,5qx(l_0-x) \quad (3)$$

Тўсин кесимларининг геометрик характеристикаларини аниқлаш жараёнида, эластик-пластик қаршилик моментларини ( $w_{pl}$  ва  $w'_{pl}$ ) ҳисоблашда қўлланиладиган, кесим юзаси шаклини ҳисобга олувчи коэффициент  $\gamma$  ни бундай тўсинлар учун жадвалий қиймати йўқлиги туфайли  $w_{pl}$  ва  $w'_{pl}$  ни ҳисоблаш қуйида келтирилган тўсин кесимининг ноль чизигини аниқловчи тенглама (4) орқали бажарилади. Бунда кесимнинг пастки чўзилишга  $w_{pl}$  ва аксинча, кесимнинг юқори қисми сиқилишга ишлайди деб  $w'_{pl}$  аниқланади.

$$S'_{bo} + \alpha S'_{so} - \alpha S_{so} = \frac{(h-x)}{2} A_{bt} \quad (4)$$

бу ерда  $S_{bo}$ -кесим юзасидаги бетон сиқилиш зонасининг холис ўқга нисбатан олинган статик momenti;

$\alpha S'_{so}$ -кесим юзасидаги сиқилувчи зонада жойлашган арматуранинг холис ўқга нисбатан олинган статик momenti;


$\alpha S_{so}$ -кесим юзасидаги чўзилувчи зонада жойлашган арматуранинг холис ўқга нисбатан олинган статик momenti;

$A_{bt}$ -чўзилувчи зонадаги бетоннинг кесим юзаси.

### 3.1.2. Икки нишабли олдиндан зўриктирилган, туйнукли темирбетон тўсиннинг ҳисоби

Тўсин, ҳаво намлиги  $\varphi = 50 \dots 60\%$  ли ва агрессив бўлмаган муҳитли ёпиқ бинони қуришда қўлланилади. У олдиндан зўриктирилган бўлиб, ишчи арматураси стэнд тирговичлари ёрдамида механик усулда тортилиб тарангланади. Стэнд тирговичларининг оралиғи 20 м га тенг.

Тўсин горизонтал ҳолатда тайёрланади ва қотиш жараёнида унга атмосфера босими остида ҳарорат орқали ишлов берилади. Шунинг учун тарангланаётган арматура билан тирговичлар орасидаги ҳароратнинг фарқи  $t = 65^\circ \text{C}$  га тенг деб олинади.



1-расм. 18 м ли туйнукли тўсиннинг геометрик ўлчамлари.

### Ҳисоблаш учун берилган керакли маълумотлар

Тўсиннинг узунлиги  $l=18$  м, қиялиги  $i = \frac{1}{12}$ , таянч зона баландлиги  $h=900$ , эни  $v=240$  мм, ҳусусий вазни  $92\text{кН}$ , устун қадами  $6$  м, чўзилувчи камарнинг баландлиги  $h=360\text{мм}$  олинади. Сиқилувчи камарнинг баландлиги (1) формула шартига биноан  $h'_f > 0,005 \cdot 1270 \cdot \frac{680}{15,3} = 282$  мм, ҳамда арматура каркасларининг жойланиш шартига асосан  $h'_f=320$  мм га тенг қилиб олинади. Ишлатиладиган бетон синфи В30, зўриктирилган арматура синфи А-IV.

Оғир бетон синфи В30, [1]

$R_b=17\text{МПа}$ ;  $R_{bt}=1,2\text{ МПа}$  ( $R_b=17 \cdot 0,9 = 15,3\text{МПа}$ ;  $R_{bt}=1,2 \cdot 0,9\text{МПа}$ );

$R_{b,ser}=22\text{МПа}$ ;  $R_{bt,ser}=1,8\text{МПа}$ ;  $E_b=32,5 \cdot 10^3\text{МПа}$ .

Иш шароити коэффиценти  $\gamma_{b2} = 0,9$ ;

Тортилган арматурани бўшатиб юборилган ҳолатдаги бетоннинг мустақамлиги:  $R_{bp}=0,8\text{ В}=0,8 \cdot 30=24\text{МПа}$ . Бунда қуйидаги қийматлар В20 ва В25 синфлари оралиғида интерполяция йўли билан олинади.[6]

$R_{bp,ser}=16,2\text{МПа}$ ;  $R_{bt,p,ser}=1,54\text{ МПа}$ ;  $E_b=26,4\text{ МПа}$ .

Тарангланган арматура синфи А-IV ( $R_s=510\text{ МПа}$ ;  $R_{s,ser}=590\text{ МПа}$ ;  $E_s=19 \cdot 10^4\text{ МПа}$ )

Оддий арматуралар синфи А-II ( $R_s=280\text{ МПа}$ ,  $R_{sw}=225\text{ МПа}$  ;  $E_s=20 \cdot 10^4\text{ МПа}$ ); А-I ( $R_s=255\text{МПа}$ ,  $R_{sw}=175\text{МПа}$ ) ва В<sub>p</sub>-I( $R_s=360\text{МПа}$ ;  $E_s=17 \cdot 10^4\text{ МПа}$ ) [1].

Тарангланган арматурада ҳосил бўладиган кучланиш

Кучланиш миқдори қуйидаги шартга кўра аниқланади [1].

$$\sigma_{sp} + P < R_{s,ser}$$

бундан  $\sigma_{sp} = \frac{R_{s,ser}}{1,05} = \frac{590}{1,05} = 562\text{МПа}$   $\sigma_{sp} = 560\text{МПа}$  қилиб қабул қиламиз.

### 3.1.3. Тўсинга тушадиган юкларни ҳисоблаш

Тўсиннинг ҳисобий узунлиги (2) формула бўйича топилади.

$$l_0 = 18 - 2 \cdot 0,04 - 2 \cdot 0,13 = 17\text{ м}$$

Тўсинга таъсир этувчи юкларнинг ҳисоби 9-жадвалда келтирилган:

	Юк турлари	Меъёрий юк, кН/м <sup>2</sup>	Юк бўйича ишонччилик коэф. $\gamma_f$	Ҳисобий юк кН/м <sup>2</sup>
1	2	3	4	5
1	Доимий юк: Атмосфера таъсиридан химоя қиладиган қатлам (битум мастикаси билан ёпиштирилган 3 қаватли рубероид) Цемент қоршмаси ( $\delta=15$ мм $\rho=18$ кН/м <sup>3</sup> ) Иссиқлик таъсиридан химоя қиладиган қатлам ( $\delta=100$ мм $\rho=5$ кН/м <sup>3</sup> ) Буғ таъсиридан химоя қиладиган қатлам Том ёпмасидаги темирбетон плитадан тушадиган юк (3х6 м). ЖАМИ:	0,1 0,27 0,5 0,05 1,57	1,1 1,2 1,2 1,1 1,1	0,11 0,32 0,60 0,06 1,73
2	Вақтинчалик юк: Қор оғирлиги	2,49 0,5		2,82 0,7
	Умумий юк миқдори:	2,99		3,52

Тўсиннинг 1 м узунлигига тушадиган юк қийматини аниқлаш:

Тўлиқ юкларнинг меъёрий қиймати:

$$q_n = 2,99 \cdot 6 + 5,12 = 23,06 \text{ кН/м}$$

Узоқ муддат таъсир этувчи юкларнинг қиймати:

$$q_{nl} = 2,49 \cdot 6 + 5,12 = 20,06 \text{ кН/м}$$

Тўлиқ юкларнинг ҳисобий қиймати:

$$q = 3,52 \cdot 6 + 5,63 = 26,75 \text{ кН/м}$$

бу ерда балкани 1 м узунликдаги вазнининг меъёрий қиймати.

$$q_n = 92/17,96 = 5,12 \text{ кН/м}$$

ҳисобий қиймати:  $q = 5,12 \cdot 1,1 = 5,63 \text{ кН/м}$

Тўсиннинг 5б-расмда кўрсатилган ҳар бир ҳисобий кесимлари учун (3) формула бўйича эгувчи момент қийматлари топилади.

Қуйида мисол тариқасида 1-1 кесимда ( $x=2,95$  м) ҳосил бўладиган эгувчи моментлар қийматини ҳисоблаш келтирилган.

Узоқ муддат таъсир қиладиган меъёрий юкнинг қийматидан ( $\gamma_f=1$  бўлган ҳолда) ҳосил бўладиган момент.

$$M_{1-1} = 0,5 \cdot q_{nl} \cdot x \cdot (l_0 - x) = 0,5 \cdot 20,06 \cdot 2,95 \cdot (17,7 - 2,95) = 436,4 \text{ кНм}$$

Тўлиқ юкнинг меъёрий қийматидан ҳосил бўладиган эгувчи момент


$$M_{1-1} = 0,5 \cdot 23,06 \cdot 2,95 \cdot (17,7 - 2,95) = 501,7 \text{ кНм}$$

Тўлиқ юкнинг ҳисобий қийматидан ҳосил бўладиган эгувчи момент ( $\gamma_f > 1$  бўлган ҳолда)

$$M_{1-1} = 0,5 \cdot 26,75 \cdot 2,95 \cdot (17,7 - 2,95) = 582 \text{ кНм}$$

Худди шунингдек 2-2, 3-3 ва 4-4 кесимлар учун ( $x$  масофани ўзгартирган ҳолда) эгувчи момент қиймати топилади. Уларнинг қийматлари кНм бирлигида 10-жадвалда келтирилган.


Кесим	Масофа $x$ , м	Узоқ муддатли юклар, ( $\gamma_f=1$ )	Тўлиқ юклар	
			$\gamma_f=1$	$\gamma_f>1$
1-1	2,95	436,4	501,7	582,0
2-2	5,9	698,3	802,7	931,2
3-3	8,85	785,6	903,0	1047,6
4-4	6,55	732,5	842,1	976,8



4-расм. Икки нишабли тўсиннинг ҳисобий схемаси

а) тўсиннинг геометрик схемаси.

б) тўсиннинг ҳисобий схемаси.



5-расм. Икки нишабли тўсинни ҳисоблашга доир.

а) тўсиннинг ҳисобий кесими схемаси.

б) Тўсиннинг ҳисобий кесимлари.

### 3.1.4. Тўсинни нормал кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш

Тўсиннинг нормал кесими бўйича мустаҳкамлиги энг ҳавфли кесим учун аниқланади (4-4 кесим, 6-расм).

Кесим баландлиги

$$h = h_0 + (\delta + 0,37 \cdot l) \cdot i = 890 + \frac{(130 + 0,37 \cdot 17700)}{12} = 1447 \text{ мм} \approx 1450 \text{ мм}$$

бу ерда  $i = \frac{1}{12}$  -тўсин устки камарининг қиялиги

$\delta = 130$  мм (4-расмга қаранг)

$h_0 = 890$  мм тўсин учининг баландлиги

Кесимнинг ишчи баландлиги

$h_0 = h - a = 1450 - 180 = 1270$  мм

Сиқилиш зонасида бетон кесим юзасининг ишлашини характерловчи коэффициент  $\omega$ .

$$\omega = a - 0,008 \cdot R_b = 0,85 - 0,008 \cdot 15,3 = 0,728$$

бу ерда  $a = 0,85$  коэффициент, оғир бетонлар учун. [1]

Тарангланган арматурадаги кўшимча кучланиш  $\Delta\sigma_{sp}$  топилади, бунинг учун:

а) анкерларнинг деформацияланиши натижасида олдиндан уйғотилган кучланишнинг камайиши аниқланади.

$$\sigma_3 = \frac{\Delta l}{l} \cdot E_s = \frac{3,95}{18000} \cdot 19 \cdot 10^4 = 41,7 \text{ МПа};$$

бу ерда  $\Delta l = 1,25 + 0,15 \cdot d = 1,25 + 0,15 \cdot 18 = 3,95 \text{ мм}$  ( $d = 18 \text{ мм}$  мўлжалланган ишчи арматура диаметри).

б) пўлат қолипнинг деформацияланиши натижасида кучланишнинг камайиши.

$\sigma_5 = 30 \text{ МПа}$  (агар қолип тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган тақдирда).


в) бетоннинг сиқилишга қадар, арматуранинг тўғри тортилишини ҳисобга олувчи коэффициент  $\gamma_{sp} > 1$  бўлганда ( $\sigma_3$  билан  $\sigma_5$  ларни назарга олган ҳолда) тарангланган арматурадаги кучланиш қиймати қуйидагича аниқланади.

$$\sigma_{sp1} = \sigma \cdot (1 - \Delta\gamma_{sp}) - \sigma_3 - \sigma_5 = 560(1 - 0,1) - 41,7 - 30 = 432,3 \text{ МПа},$$

бу ерда  $\Delta\gamma_{sp}$  -тарангланган арматурадаги кучланишнинг чегаравий ҳолатидан оғиш қиймати, лекин у 0,1 дан кам бўлмаслиги лозим [1]. Шунинг учун  $\Delta\gamma_{sp} = 0,1$  деб оламиз.


$\Delta\sigma_{sp}$  нинг қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta\sigma_{sp} = 1500 \frac{\sigma_{sp1}}{R_s} - 1200 = 1500 \cdot \frac{432,3}{510} - 1200 = 71,5 \text{ МПа} > 0.$$



7-расм. Балканинг таянч қисми.

6-расм. Арматуралаш схемаси. (4-4 кесим)



8-расм. Тўсинни йғиб созлаш босқичидаги ҳисобий кесим ва схемаси.

Тўлиқ эгрилик

$$\frac{1}{r} = \left(\frac{1}{r}\right)_1 - \left(\frac{1}{r}\right)_2 + \left(\frac{1}{r}\right)_3 - \left(\frac{1}{r}\right)_4 = \left(\frac{1}{r}\right)_3 - \left(\frac{1}{r}\right)_4 = 1720 \cdot 10^{-9} - 131,3 \cdot 10^{-9} = 1589 \text{ мм}^{-1}$$

бу ерда  $\left(\frac{1}{r}\right)_1$  ва  $\left(\frac{1}{r}\right)_2 = 0$ , чунки кучлар узаро тенг.

Тўлиқ солқилик

$$f = S \frac{1}{r} l_0^2 = \frac{5}{48} \cdot 1589 \cdot 10^{-9} \cdot 17700^2 = 51,8 \text{ мм} < \frac{1}{250} l_0 = \frac{1}{250} \cdot 17700 = 70,8 \text{ мм}$$

Бу рухсат этилган қийматидан кам.

### 3.1.10. Тўсинни қия кесим бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаш

Қия кесим балканинг таянч нуқтасидан бошланади. Бунда, (5-5 кесимда) кўндаланг кучни таянч нуқтасидаги қаршилик кучига тенг деб олса бўлади. (7-расм)

$$Q = (g + \nu) \gamma_n \frac{l_0}{2}$$

Бунда кўндаланг арматура икки қатор қўйилади,

$n = 2 \emptyset 6 \text{ А-III}$ ,  $A_{sw} = 0,283 \text{ см}^2$ , қадами  $S = 15 \text{ см}$  деб олинган,

Тўсиннинг қия кесими бошланишидаги баландлиги (5-5 кесим)

$$h = 890 + 260 \frac{1}{12} = 912 \text{ мм} \quad \text{ишчи баландлиги эса,}$$

$$h_o = h - 0,5h_f = 912 - 180 = 732 \text{ мм.}$$

Қия кесим мустаҳкамлигини таъминлаш шарти.

$$Q = 26,75 \cdot 0,95 \cdot \frac{17,7}{2} = 224,9 \text{ kH} = 224900 \text{ H}.$$

$$Q = 224900 \text{ H} \leq 0,3 \varphi_{w1} \varphi_{b1} R_b b h_o = 0,3 \cdot 1,04 \cdot 0,847 \cdot 15,3 \cdot (100) \cdot 24 \cdot 73,2 = 710316 \text{ H}.$$

Бу ерда  $\varphi_{w1}$  - хомут таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент,

$$\varphi_{w1} = 1 + 5\alpha\mu_w < 1,3$$

$$\alpha = \frac{E_s}{E_b} = \frac{20 \cdot 10^{-4}}{32,5 \cdot 10^{-3}} = 6,154,$$

$$\mu_w = \frac{A_{sw}}{b_s} = \frac{0,283 \cdot 2}{24 \cdot 20} = 0,0012 \text{ топилган қийматларни ўз ўрнига қўямиз,}$$

$$\text{Бунда } \varphi_{w1} = 1 + 5 \cdot 6,154 \cdot 0,0012 = 1,04 < 1,3$$

$$\varphi_{b1} = 1 - \beta \gamma_{b2} R_b = 1 - 0,01 \cdot 0,9 \cdot 17 = 0,847$$

Оғир бетонлар учун коэффициент  $\beta = 0,01$ .

Шундай қилиб, балканинг кўндаланг кесими ўлчамлари талаб даражасида экан. Мустаҳкамлик шarti бажарилди.

Мустаҳкамлик шartига кўра, кўндаланг арматура ҳисоб бўйича аниқланади.

$$Q = 224900 \text{ H} > \varphi_{b3} (1 + \varphi_n) \gamma_{b2} R_{bt,ser} b h_o = 0,6 \cdot (1 + 0,32) \cdot 0,9 \cdot 1,2 \cdot 240 \cdot 732 = 150269,6 \text{ H}.$$

бу ерда коэффициент  $\varphi_{b3} = 0,6$  - оғир бетон учун

$\varphi_n$  - бўйлама кучларнинг таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент, бу ерда  $N = P_2$

$$\varphi_n = 0,1 \frac{P_2}{\gamma_{b2} R_{bt} b h_o} = 0,1 \frac{606669}{0,9 \cdot 1,2 \cdot 240 \cdot 732} = 0,32 < 0,5$$

$$1 + \varphi_n = 1 + 0,32 = 1,32 < 1,5$$

Шарт бажарилмади.,  $Q = 224900 \text{ H} > 150269,6 \text{ H}$  кўндаланг арматура ҳисоб бўйича олинади. Балканинг қия кесими бўйича мустаҳкамлик тенгламаси

$$Q_1 \leq Q_{sw} + Q_b = q_{sw} c_o + \frac{\varphi_{b2} (1 + \varphi_n) R_{bt} b h_{o1}^2}{c}$$

Бу ерда  $h_{o1} + ctg\beta$  - қия кесим охиридаги ишчи баландлик,

$\beta$  - тўсиннинг устки қисми билан горизонтал чизик орасидаги бурчак.

Тўсиннинг узунлик бирлигига тўғри келадиган кўндаланг стерженлардаги зўриқиш қиймати аниқланади.

$$q_{sw} = \frac{R_{sw} A_{sw}}{S} = \frac{285 \cdot (100) \cdot 0,283 \cdot 2}{15} = 1075,4 \text{ H / см}.$$

Бу ерда  $n=2$  кесим юзасидаги кўндаланг арматуралар сони.

Бунда қуйидаги шарт текширилади.

$$q_{sw} = 1075,4 \geq \varphi_{b3} \frac{(1 + \varphi_n) R_{bt} \gamma_{b2} b}{2} = 0,6 \frac{(1 + 0,32) \cdot 1,2 \cdot (100) \cdot 0,9 \cdot 24}{2} = 1026 \text{ H / см}$$

Шарт бажарилди.

Энг ноқулай бўлган қия кесим узунлиги аниқланади.

$$b = 24 \text{ см}, i = tg\beta = \frac{1}{12} = 0,083$$

$$C_o = \sqrt{\frac{\varphi_{b2}(1+\varphi_n)\gamma_{b2}R_{bt}bh_0^2}{q_{sw} + \varphi_{b2}(1+\varphi_n)\gamma_{b2}R_{bt}btg\beta^2}} = \sqrt{\frac{2 \cdot (1+0,32) \cdot 0,9 \cdot 1,2 \cdot 24 \cdot 73,2^2 \cdot (100)}{1075,4 + 2 \cdot (1+0,32) \cdot 0,9 \cdot 1,2 \cdot 24 \cdot 0,083^2 \cdot (100)}} =$$

$$= 181 > 2h_o = 2 \cdot 73,2 = 147 \text{ см}$$

$C_o$  нинг қиймати  $C_o=150$  см қилиб олинади.

Қия кесимни мустаҳкамликка ҳисоблаш.

$$Q_1 = q_{sw}(c-s) + \frac{\varphi_{b2}(1+\varphi_n)\gamma_{b2}R_{bt}bh_{o1}^2}{c_o} = 1026(150-15) +$$

$$+ \frac{2 \cdot (1+0,32) \cdot 0,9 \cdot 1,2 \cdot (100) \cdot 24 \cdot 73,2^2}{150} = 382949 \text{ Н.}$$

Шундай қилиб  $Q=224900 \text{ Н} < Q_1=382949 \text{ Н}$ . Шарт бажарилди, яъни қия кесим мустаҳкамлиги етарли даражада экан.

### Қия ёриқларни пайдо бўлишига ҳисоблаш

Ҳисобни тўсин таянч юзасининг оғирлик маркази учун бажарамиз (бунда,  $\gamma_f=1$  ва  $\gamma_n=0,95$  қилиб олинади, 7-расм, 5-5 кесимга қаранг).

Максимал қирқувчи кучнинг меъёрий қиймати,

$$Q = 23060 \cdot 0,95 \cdot \frac{17,7}{2} = 193877 \text{ Н.}$$

Бу кесим, 0-0 кесимга жуда яқин бўлганлиги туфайли унинг 11-жадвалда келтирилган қийматларидан фойдаланамиз.

Уринма кучланиш  $\tau = \frac{QS_{red}}{bI_{red}} = \frac{193877 \cdot 3283,2}{24 \cdot 1508142} = 17,59 \text{ Н/см}^2$

бу ерда  $S_{red}=bh(y_o-0,5h)=24 \cdot 91,2(47,1-0,5 \cdot 91,2) = 3283,2 \text{ см}^3$

$P_2$  кучи таъсири остида бетонда ҳосил бўлган сиқилиш кучланиши

$$\sigma_x = \sigma_b = \frac{P_2}{A_{red}} = \frac{606669}{2184} = 278 \text{ Н/см}^2$$

Энди асосий бош чўзилувчи кучланишларни топамиз.

$$\sigma_{mt} = \frac{-\sigma_x}{2} + \sqrt{\left(\frac{\sigma_x}{2}\right)^2 + \tau_{xy}^2} = \frac{-278}{2} + \sqrt{\left(\frac{278}{2}\right)^2 + 17,59^2} = -139 + 197,4 = 58,4 \text{ Н/см}^2 =$$

$$= 0,584 < R_{bt,ser} = 1,8 \text{ МПа}$$

Шарт бажарилди, демак балкада қия ёриқлар пайдо бўлмайди.

### 3.1.11. Тўсинни ўрнатиш (монтаж) босқичида ҳисоблаш

А) ёриқлар пайдо бўлишига ҳисоблашни  $\alpha - \alpha$  ҳисобий кесим учун оламиз. (8- расм)

Зўриқиш  $P$  билан тўсин вазни таъсири остида, тўсинни ўрнатиш жараёнида, унинг юқори қисмида ( $\alpha$ -а кесим бўйлаб) эгувчи манфий момент ҳосил бўлади. Бу эгувчи момент динамик коэффициент  $K_d=1,4$  ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

$$q_1 = K_d q_n = 1,4 \cdot 5,12 = 7,17 \text{ кН/м}$$

Тўсиннинг а-а кесим бўйича баландлиги  $h = 89 + 408 \cdot \frac{1}{12} = 123 \text{ см}$

Ишчи баландлиги эса  $h_o = h - 0,5h_f = 123 - 0,5 \cdot 32 = 107 \text{ см}$

Геометрик характеристикаларга оид маълумотларни 11-жадвалдан олинади.

Арматуралаш схемаси 9 ва 10- расмларда келтирилган ( $4 \varnothing 12 \text{ А-III}$ ,  $A'_s = 4,52 \text{ см}^2$ )

Зўриқиш  $P = [(\sigma_{sp} - \sigma_{losl}) \gamma_{sp} - 330] A_{sp} = [(740 - 208) 1,1 - 330] \cdot 12,06 \cdot (100) = 307771,2 \text{ Н}$ ,  
бу ерда  $\sigma_{losl} = 208 \text{ МПа}$ —1-1 кесим учун олинган, лекин у а-а кесимга энг яқин бўлгани учун шу қийматни олишимиз мумкин (12- жадвал).

Олдиндан зўриқтириладиган арматура  $A_{sp}$  таъсиридан бетондаги сиқилиш кучланишини аниқлаймиз, бунинг учун: (11- жадвал)

$$\sigma_{bp} = \frac{P}{A_{red}} + \frac{(Pe_{op} - Mg)y_{sp}}{I_{red}} = \frac{307771,2}{1734,5 \cdot (10^2)} + \frac{(307771,2 \cdot 401 - 5968 \cdot 10^3) 401}{3564540 \cdot 10^4} = 3,23 \text{ МПа}$$

$$\text{Бу ерда } M_{a-a} = \frac{q_1 l_1^2}{2} = \frac{7,17 \cdot 4,08^2}{2} = 59,68 \text{ кНм} = 5968 \cdot 10^3 \text{ Н} \cdot \text{мм}$$

Кесимнинг юқори қисмидаги бетонда ҳосил бўладиган чўзилиш кучланиши

$$\sigma'_{bp} = \frac{P}{A_{red}} + \frac{(Pe_{op} + Mg)(h - y_o)}{I_{red}} = \frac{307771,2}{1734,5 \cdot 10^2} + \frac{(307771,2 \cdot 401 - 5968 \cdot 10^3)(1230 - 581)}{3564540 \cdot 10^4} = 4,13 \text{ МПа}$$

$$\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} = \frac{3,23}{24} = 0,135 < \alpha = 0,8, \text{ шунинг учун}$$

$$\sigma_6 = 0,85 \cdot 40 \frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} = 0,85 \cdot 40 \cdot 0,135 = 4,57 \text{ МПа};$$

$$\sigma'_6 = 0,85 \cdot 40 \cdot \frac{4,13}{24} = 5,85 \text{ МПа};$$

Бирламчи йўқолишлар

$$\sigma_{losl} = \sigma_1 + \sigma_2 + \sigma_3 + \sigma_4 + \sigma_5 + \sigma_6 = 54 + 81,2 + 41,7 + 30 + 4,6 = 211,5 \text{ МПа}$$

Бирламчи йўқолишларни назарга олган ҳолда олдиндан зўриқтирилган кучланиш  $\sigma_{sp1} = \sigma_{sp} - \sigma_{losl} = 740 - 211,5 = 528,5 \text{ МПа}$

Арматурадаги кучланишлар

$$\sigma_s = \sigma_6 = 4,57 \text{ МПа}; \quad \sigma'_s = \sigma'_6 = 5,85 \text{ МПа}.$$

Бирламчи йўқолишларни назарга олган ҳолда зўриқиш  $P_1$  аниқлаймиз.

$$P_1 = \sigma_{sp1} \cdot A_{sp} - \sigma_s A_s - \sigma'_s A'_s = 528,5 \cdot 12,06(100) - 4,57 \cdot 0,785(100) - 5,85 \cdot 4,52(100) = 635386,7 \text{ Н}.$$

Сиқилган бетонда тўсин вазни ва зўриқиш  $P_1$  таъсирлари натижасида ҳосил бўладиган кучланиш.

$$\sigma_{bp} = \frac{P_1}{A_{red}} + \frac{(P_1 e_{op} + Mg)y_{sp}}{I_{red}} = \frac{635386,7}{1734,5 \cdot 10^2} + \frac{(635386,7 \cdot 401 + 5968 \cdot 10^3)401}{3464540 \cdot 10^4} = 6,6 \text{ МПа}$$

Келтирилган кесим юзасининг оғирлик марказидан то ядро остки нуқтасига қадар бўлган масофа

$$r = \frac{\varphi W_{red}}{A_{red}} = 1 \cdot \frac{54923,5 \cdot 10^3}{1734,5 \cdot 10^2} = 316,6 \text{ мм}$$

$$\text{бу ерда } \varphi = 1,6 - \frac{\sigma_{bp}}{R_{bp,ser}} = 1,6 - \frac{6,6}{16,2} = 1,19 > 1;$$

$$R_{bp,ser} = 16,2 \text{ МПа}, \quad (R_{bp} = 24 \text{ МПа бўлганда})$$

Ҳисоб бўйича  $\varphi > 1$ , шунинг учун  $\varphi = 1$  деб қабул қиламиз.

Ёриқлар пайдо бўлишига текшириш.

$$M_{a-a} = 5968 \cdot 10^4 \text{ Нмм} < M_{crc} = R_{bt,p,ser} W_{pI} - M_{rp} = 1,54 \cdot 7491 \cdot 10^4 - 5363 \cdot 10^4 = 6173 \cdot 10^4 \text{ Нмм},$$

бу ерда  $R_{bt,p,ser} = 1,54 \text{ МПа}$

$$M_{rp} = P_1(e_{op} - r) = 635386,7(401 - 316,6) = 5362,7 \text{ Н} \cdot \text{мм}$$

Шарт бажарилди, демак кесим юзасининг юқори қисмида ёриқлар пайдо бўлмайди, яъни кесимнинг мустаҳкамлиги таъминланган.

Агар ёриқ пайдо бўлса ҳисоб қуйидаги тартибда амалга оширилган бўлар эди.

Б) Зўриқиш  $P_1$  ва тўсин вазни таъсиридан ҳосил бўладиган моментларнинг қисқа муддатли юклар таъсири учун ҳисобланади.

Зўриқиш  $P_1$  қўйилган нуқтасидан кесим юзасининг юқори қисмида жойлашган арматура оғирлик марказига қадар бўлган масофа аниқланади.

$$e_{sp2} = e_{op} + (h_o - y_o);$$

Бунда қуйидаги миқдорлар аниқланади

$$\delta = M_{a-a} + \frac{P_1 e_{sp1}}{R_{bp,ser} b h_o^2};$$

Кесим юзасининг остки сиқилувчи зонаси учун

$$\varphi_f = \frac{\frac{\alpha_1}{2\nu A_{sp}} + \frac{\alpha_2}{2\nu A_s}}{b h_o} \text{ топилади}$$

$$\text{бу ерда } \alpha_1 = \frac{E_s}{E_{bp}} \text{ (А-V синфи учун);} \quad \alpha_2 = \frac{E_s}{E_b} \text{ (Вр -I синфи учун).}$$

$E_{bp}$ ;  $R_{bp}$  қийматлари интерполяция йўли билан олинади.

Қуйида фойдаланиладиган коэффициентларнинг қийматлари аниқланади:

$$\lambda = \varphi_f \left( 1 - \frac{h'_f}{2h_o} \right); \quad e_{s,tot} = \frac{M_{a-a} + P_1 e_{sp2}}{P_1}$$

$$\xi = \frac{1}{\beta + \frac{1 + 5(\delta + \lambda)}{10\mu\alpha}} + \frac{1,5 + \varphi_f}{11,5 \frac{e_{s,tot}}{h_o} - 5} < 1$$

$$\text{бу ерда } \mu = \frac{A'_s}{b h_o}; \quad \alpha = \frac{E_s}{E_{bp}} \text{ (А-III синфи учун)}$$

Қуйидаги шартлар бўйича текширилади

$\xi \leq \frac{h_f}{h_o}$  шарт бажарилмаган ҳолда  $\xi = \frac{h_f}{h_o}$  деб олинади.

Ички жуфт кучлар елкаси қуйидагича топилади

$$Z = h_o \left[ 1 - \frac{\frac{h_f}{h_o} \varphi_f + \xi^2}{2(\varphi_f + \xi)} \right];$$

Сўнгра  $e_{s,tot}$  елка топилади ва қуйидаги шарт текширилади  $e_{s,tot} > 0,8h_o$  шарт бажарилмаган ҳолда  $\delta=1$  деб олинади.

Сўнгра чўзилувчи арматурада ҳосил бўладиган кучланиш аниқланади.

$$\sigma_s = \frac{P_1(e_{sp2} - Z) + M_{a-a}}{A_s Z} \delta;$$

Қисқа муддатли юклар таъсирида ҳосил бўладиган ёриқларнинг эни топилади.

$$\alpha_{crc} = 20(3,5 - 100\mu)\delta\varphi_1\eta\frac{\sigma_s}{E_s}\sqrt[3]{d} < [\alpha_{crc}] = 0,4\text{мм}$$

Бу ерда  $\delta=1$  эгувчи моментлар учун;  $\varphi_1 = 1$  - қисқа муддатли юклар учун;  $\eta=1$  - даврий профилли стерженлар учун;  $d-A'_s$  арматура стержени диаметри, мм.

### 3.2. Устунни ҳисоблаш ва лойиҳалаш

*Четки қатор устунлар учун.*

Бошлангич маълумотлар:

1. Устуннинг кесим юзаси:
  - а) кран усти қисмида 400x400мм
  - б) кран ости қисмида 400x800мм
2. В20 синфли оғир бетон.
3. Арматура фазовий каркастан иборат бўлиб, узунасига А-III синфи, кўндалангига А-I синфидаги пўлат арматура танланади.
4. Устуннинг кесим юзаси симметрик ( $A_s=A_s^1$ ) равишда арматураланади.

Устун 1 – 0 ва 2 – 1 кесимлари бўйича ҳисобланади. Устуннинг ҳисоб схемаси – номарказий сиқилувчи элемент.

1 – 0 кесим юзасини ҳисоблашда устуннинг консол қисми, яъни тепа қисми кесим юзасига келганда, жадвалга биноан, кучланишнинг икки комбинациясини (M;N) ҳисобга олиш керак:

биринчи: M=-26.54; N=-480.11кН

иккинчи: M=-46.08; N=-427.33кН

Устунни ҳисоблашда икки кучланишнинг комбинациясининг барча таъсири ҳисобга олинади. Лекин  $A_s = A'_s$  арматуранинг энг катта кесим юзасининг қиймати қабул қилинади.

Ҳисобни юкларни маҳсус қўшилмалари таъсирини эътиборга олиб бажарамиз.

Узоқ муддатли юklar таъсиридан ҳосил бўладиган кучланиш  $N_e = 427.33 \text{ кН}$ ;  $M_e = 22.45 \text{ кНм}$ .

Кесимнинг ҳисобий баландлиги  $h_0 = h - a = 38 - 5 = 33 \text{ см}$

Кучнинг эксцентриситети  $e_0 = \frac{M}{N} = \frac{26.54}{480.11} = 0.055 \text{ м} = 5.5 \text{ см}$ .

Устуннинг ҳисобий узунлиги  $l_0 = 2H_2 = 2 \cdot 3.8 = 7.6 \text{ м}$

Кесим юзасининг инерция радиуси  $i = 0.29h = 0.29 \cdot 38 = 11.02 \text{ см}$ .

Уходда  $\lambda = \frac{l_0}{i} = \frac{760}{11.2} = 68,9 > 14$

Шуни таъкидлаш жоизки, устун эгилишининг мустаҳкамлика таъсирини ҳам унутмаслик керак. Устун кесим юзасининг унинг оғирлик марказига нисбатан инерция моменти (арматура ҳисобга олинмаган ҳолда)  $I = i^2 A$   
 $I = 11.02^2 \cdot 40 \cdot 38 = 184589 \text{ см}^4$

Биринчи яқинлашишда  $\mu = 1\%$ , яъни  $\mu = 0.01$  ни қабул қиламиз.

Формула бўйича:

$$I_s = \mu A \left( \frac{h}{2} - a \right)^2 = 0.01 \cdot 40 \cdot 38 \left( \frac{38}{2} - 5 \right)^2 = 2979 \text{ см}^4.$$

бу ерда  $I_s$ -кесим юзасининг устун оғирлик марказига нисбатан инерция моменти.

$$\varphi_l = 1 + \beta \frac{M_l}{M} = 1 + 1 \frac{22.45}{26.54} = 1.85$$

$$\delta_l = \frac{e_0}{h} = \frac{5.5}{38} = 0.14$$

Формула бўйича топамиз:

$$\delta_{l \min} = 0.5 - 0.01 \frac{l_0}{h} - 0.01 R_b = 0.5 - 0.01 \frac{760}{38} - 0.01 \cdot 11.5 = 0.185 > \delta_e = 0.14.$$

Ҳисоблаш учун  $\delta_e = 0,185$ ;  $\varphi_p = 1$  (зўриқтирилган арматура бўлмаса) деб қабул қиламиз.

Формулага биноан киритик кучни миқдорини аниқлаймиз:

$$N_{cr} = \frac{6.4E_b}{l_0^2} \left[ \frac{I}{\varphi_l} \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{\delta_l}{\varphi_p}} + 0.1 \right) + \alpha I_s \right] = \frac{6.4 \cdot 24 \cdot 10^3}{760^2} \left[ \frac{184589}{1.85} \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{0.185}{1}} + 0.1 \right) + 7.41 \cdot 2979 \right] =$$

$$= 19052 \text{ МПа} \cdot \text{см}^2 = 1905 \text{ кН}$$

Формула буйича:

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{480.11}{1905}} = \frac{1}{0.75} = 1.33 \text{ топамиз.}$$

Демак, биринчи (катта эксцентриситет) холатга кўра, ҳисобни  $\xi < \xi_R$

бўйича бажарамиз.

Бўйлама арматуранинг кесим юзасини аниқлаймиз:

$$A_s = A'_s = \frac{N(e - h_0 + \frac{N}{2R_b b})}{R_{sc}(h_0 - a')} = \frac{480.11 \cdot 10^3 (21.32 - 33 + \frac{480.11 \cdot 10^3}{2 \cdot 11.5 \cdot 40 \cdot 10^2})}{280 \cdot (33 - 5) \cdot 10^2} = \frac{-3102189.02}{784000} = -3.9 < 0$$

Ҳисобни юкларни маҳсус кўшилмалари таъсирини эътиборга олиб бажарамиз.

Узоқ муддатли юклар таъсиридан ҳосил бўладиган кучланиш:

$$N_1 = 427.33 \text{ кН}$$

$$M_1 = 22.45 \text{ кНм}$$

Кесимнинг ҳисобий баландлиги:  $h_0 = h - a = 38 - 5 = 33 \text{ см}$

Кучнинг эксцентриситети:  $e = \frac{M}{N} = \frac{-46.08}{427.33} = 0.11 \text{ м} = 11 \text{ см.}$

Устуннинг ҳисобий узунлиги  $l_0 = 2H_2 = 2 \cdot 3.8 = 7.6 \text{ м.}$

Кесим юзасининг инерция радиуси:  $i = 0.29h = 0.29 \cdot 38 = 11.02 \text{ см.}$

$$\lambda = \frac{l_0}{i} = \frac{760}{11.02} = 68.9 > 14$$

Шундай қилиб, устун эгилишининг мустаҳкамликка бўлган таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.

Формула бўйича:  $I = i^2 A$  топамиз  $I = 11.02^2 \cdot 40 \cdot 38 = 184589 \text{ см}^4$ .

Биринчи яқинлашишда  $\mu = 1\%$ , яъни  $\mu = 0.01$  ни қабул қиламиз.

Формулага биноан:

$$I_s = \mu A \left( \frac{h}{2} - a \right)^2 = 0.01 \cdot 40 \cdot 38 \left( \frac{38}{2} - 5 \right)^2 = 2979 \text{ см}^4.$$

$$\varphi_l = 1 + \beta \frac{M_1}{M} = 1 + 1 \cdot \frac{22.45}{46.08} = 1.49$$

$$\delta_l = \frac{e_0}{h} = \frac{11}{38} = 0.3$$

$$\delta_{l_{\min}} = 0.5 - 0.01 \frac{l_0}{h} - 0.01 R_b = 0.5 - 0.01 \frac{760}{38} - 0.01 \cdot 11.5 = 0.185 > 0.14$$

Ҳисоб учун  $\delta_e=0,3$ ;  $\varphi_p=1$  деб қабул қиламиз.

Формула бўйича:

$$N_{cr} = \frac{6.4E_b}{l_0^2} \left[ \frac{I}{\varphi_l} \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{\delta_l}{\varphi_p}} + 0.1 \right) + \alpha I_s \right] = \frac{6.4 \cdot 24 \cdot 10^3}{760^2} \left[ \frac{184589}{1.49} \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{0.3}{1}} + 0.1 \right) + 7.41 \cdot 2979 \right] =$$

$$= 18503 \text{ МПа} \cdot \text{см}^2 = 1850.3 \text{ кН}$$

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{427.33}{1850.3}} = 1.3$$

$$e = e_0 \eta + \frac{h}{2} - a = 11 \cdot 1.3 + \frac{38}{2} - 5 = 28.3 \text{ см}$$

$$\xi_R = 0.56$$

$$x = \frac{N}{R_b \cdot b} = \frac{427.33 \cdot (10^3)}{11.5 \cdot 40 \cdot (10^2)} = 9.29 \text{ см}$$

$$\xi = \frac{x}{h_0} = \frac{9.29}{33} = 0.28 < \xi_R = 0.56$$

Демак, биринчи (катта эксцентриситет) ҳолат, шунинг учун ҳисобни  $\xi < \xi_R$  га кўра бажарамиз.

$$A_s = A'_s = \frac{N(e - h_0 + \frac{N}{2R_b b})}{R_{sc}(h_0 - a')} = \frac{427.33 \cdot 10^3 (28.3 - 33 + \frac{427.33 \cdot (10^3)}{2 \cdot 11.5 \cdot 40 \cdot (10^2)})}{280 \cdot (33 - 5) \cdot (10^2)} = \frac{-23549,6}{940800} = -0,03 < 0$$

конструктив талабга кўра:  $2\emptyset 16$  А-II.  $A_s=4.02 \text{ см}^2$  қабул қиламиз.

2 – 1 кесимни ҳисоблашда икки комбинациясини (Q;N;M) ҳисобга олиш шарт:

$$\text{биринчи: } M=8.26 \text{ кНм } N=983.26 \text{ кН } Q=-3.88 \text{ кН}$$

$$\text{иккинчи: } M=94.36 \text{ кНм } N=935.76 \text{ кН } Q=14.06 \text{ кН}$$

Ҳисобни юқларни махсус қўшилмалари таъсирини икки комбинациясини эътиборга олиб бажарамиз.

Узоқ давом этган кучдан ҳосил бўлган кучланиш:

$$N_1=524.76 \text{ кН}$$

$$M_1=1.79 \text{ кНм.}$$

Кесимнинг ҳисобий баландлиги:  $h_0=h-a=80-5=75 \text{ см}$

$$\text{Кучнинг эксцентриситети: } e = \frac{M}{N} = \frac{94.36}{935.76} = 0.101 \text{ м} = 10.1 \text{ см}$$

Устуннинг ҳисобий узунлиги:  $l_0=1.5H_1=1.5 \cdot 5.95=8.925 \text{ м.}$

Кесим юзасининг инерция радиуси:  $i=0.29h=0.29 \cdot 80=23.2 \text{ см.}$

$$\lambda = \frac{l_0}{i} = 892,5 / 23,2 = 38,4 > 14$$

Шундай қилиб, устун эгилишининг мустақкамликка таъсирини ҳисобга олиш керак.

$$\text{Формула буйича } I = i^2 A = 23,2^2 \cdot 80 \cdot 40 = 1722368 \text{ см}^4$$

Биринчи яқинлашишда  $\mu = 1\%$ , яъни  $\mu = 0.01$  ни қабул қиламиз.

Формула буйича:

$$I_s = \mu A \left( \frac{h}{2} - a \right)^2 = 0.01 \cdot 40 \cdot 80 \left( \frac{80}{2} - 5 \right)^2 = 39200 \text{ см}^4.$$

$$\varphi_l = 1 + \beta \frac{M_l}{M} = 1 + 1 \cdot \frac{1.79}{94.36} = 1.02$$

$$\delta_l = \frac{l_0}{h} = \frac{10.1}{80} = 0.13$$

$$\delta_{l_{\min}} = 0.5 - 0.01 \frac{l_0}{h} - 0.01 R_b = 0.5 - 0.01 \frac{892.5}{80} - 0.01 \cdot 11.5 = 0.273 > \delta_e = 0.13$$

Ҳисоб учун  $\delta_l = 0.273$ ;  $\varphi_p = 1$  ни қабул қиламиз.

Формула буйича критик кучнинг қиймати

$$N_{cr} = \frac{6.4 E_b}{l_0^2} \left[ \frac{I}{\varphi_l \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{\delta_l}{\varphi_p}} + 0.1 \right)} + \alpha I_s \right] = \frac{6.4 \cdot 24 \cdot 10^3}{892.5^2} \left[ \frac{1722368}{1.02 \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{0.273}{1}} + 0.1 \right)} + 7.41 \cdot 39200 \right] =$$

$$= 181919 \text{ МПа} \cdot \text{см}^2 = 18192 \text{ кН}$$

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{935.76}{18192}} = 1.05$$

Демак, биринчи (катта эксцентриситет) ҳолат, шунинг учун ҳисобни  $\xi < \xi_R$  биноан бажарамиз.

$$A_s = A'_s = \frac{N(e - h_0 + \frac{N}{2R_b b})}{R_{sc}(h_0 - a')} = \frac{935.76 \cdot 10^3 (45.61 - 75 + \frac{935.76 \cdot 10^3}{2 \cdot 11.5 \cdot 40 \cdot 10^2})}{1.2 \cdot 280 \cdot (75 - 5) \cdot 10^2} = -7.65 < 0$$

Конструктив мулохазаларга кўра 3Ø16 А-II,  $A_s = 6,03 \text{ см}^2$  арматура қабул қиламиз. У ҳолда  $\mu = A_s / bh = \frac{6,03}{40 \cdot 80} \cdot 100 \% = 0,19 \% > \mu_{\min} = 0,1 \%$

Ҳисобни юқларни махсус кўшилмалари таъсирини (1-комбинация) эътиборга олиб бажарамиз.

$$N_1 = 524.76 \text{ кН}$$

$$M_1 = 1.79 \text{ кНм.}$$

Кесимнинг ҳисобий баландлиги:  $h_0=80-5=75\text{см}$

Кучнинг эксцентриситети:  $e = \frac{M}{N} = \frac{8.62}{983.26} = 0.009_m = 0.9\text{см}$

Устуннинг ҳисобий узунлиги:  $l_0=1.5H_1=1.5 \cdot 5.95=8.925\text{м}$ .

Кесим юзасининг инерция радиуси:  $i=0.29h=0.29 \cdot 80=23.2\text{см}$ ;  $\lambda=38,4$

Шундай қилиб, устун эгилишининг мустаҳкамликка таъсирини ҳисобга олиш керак.

Формула бўйича:  $I=i^2A$  топамиз у ҳолда  $I=23.2^2 \cdot 40 \cdot 38=1722368\text{см}^4$ .

Биринчи яқинлашишда  $\mu=1\%$ , яъни  $\mu=0.01$  ни қабул қиламиз.

Формула бўйича:

$$I_s = \mu A \left( \frac{h}{2} - a \right)^2 = 0.01 \cdot 40 \cdot 80 \left( \frac{80}{2} - 5 \right)^2 = 39200\text{см}^4.$$

$$\varphi_l = 1 + \beta \frac{M_l}{M} = 1 + 1 \cdot \frac{1.79}{8.62} = 1.2$$

$$\delta_l = \frac{e_0}{h} = \frac{0.9}{80} = 0.01$$

$$\delta_{l\min} = 0.5 - 0.01 \frac{e_0}{h} - 0.01 R_b = 0.5 - 0.01 \cdot \frac{892.5}{80} - 0.01 \cdot 11.5 = 0.273 > 0.01$$

Ҳисоб учун  $\delta_l=0.273$   $\varphi_p=1$  ни қабул қиламиз.

Формула бўйича:  $N_{cr}$  куйдагича топилади.

$$N_{cr} = \frac{6.4E_b}{l_0^2} \left[ \frac{I}{\varphi_l \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{\delta_l}{\varphi_p}} + 0.1 \right)} + \alpha I_s \right] = \frac{6.4 \cdot 24 \cdot 10^3}{892.5^2} \left[ \frac{1722368}{1.2 \left( \frac{0.11}{0.1 + \frac{0.273}{1}} + 0.1 \right)} + 7.41 \cdot 39200 \right] =$$
$$= 165310\text{МПа} \cdot \text{см}^2 = 16531\text{кН}$$

$$\eta = \frac{1}{1 - \frac{N}{N_{cr}}} = \frac{1}{1 - \frac{983.26}{16531}} = 1.06$$

$$e = e_0 \eta + \frac{h}{2} - a = 0.9 \cdot 1.06 + \frac{80}{2} - 5 = 35.96\text{см}$$

$$\xi_R = 0.56$$

$$x = \frac{N}{R_b \cdot b} = \frac{983.26 \cdot (10^3)}{11.5 \cdot 40 \cdot (10^2)} = 21.38\text{см}$$

$$\xi = \frac{x}{h_0} = \frac{21.38}{75} = 0.29 < \xi_R = 0.56$$

Демак, биринчи (катта эксцентриситет) ҳолат бўйича яъни  $\xi < \xi_R$  ҳисоб амалга оширилади.

$$A_S = A'_S = \frac{N(e - h_0 + \frac{N}{2R_b b})}{R_{SC}(h_0 - a')} = \frac{983.26 \cdot 10^3 (35.96 - 75 + \frac{983.26 \cdot 10^3}{2 \cdot 11.5 \cdot 40 \cdot (10^2)})}{280 \cdot (75 - 5) \cdot 10^2} = -14.22 \text{ см}^2 < 0$$

конструктив талабга кўра:  $3\text{Ø}18$  А-II.  $A_S=7.63\text{см}^2$  қабул қиламиз.

$$\mu = \frac{A_S}{bh} = \frac{7.63}{40 \cdot 80} = 0.00238 = 0.24\% > \mu_{\min} = 0.2\%$$

### 3.2.1. Устун консолини ҳисоби

Устуннинг консол қисмига кран ости балка таянади ва унинг таянч реакция кучига консол ҳисобланади.

Консолга таъсир қилаётган ҳисобий кучни

$$Q_k = D_{\max} \cdot h_C + G_{n\delta} = 411 \cdot 0.85 + 32.23 = 381.58 \text{ кНм} \text{ формула бўйича аниқланади.}$$

Консол қулочи:

$$l_k \geq \lambda_{кр} + \frac{\delta_{n\delta}}{2} - h_n + 50 = 750 + \frac{160}{2} - 800 + 50 = 80 \text{ мм.}$$

Таянч кесими юзасининг зарурий баландлигини аниқлаймиз:

а) мустаҳкамлик шартига кўра:

б) конструктив шартга кўра:


$$h - l_k \cdot \text{tg} 45^\circ \geq \frac{h}{3}$$

$$h = \frac{3}{2} l_k \cdot \text{tg} 45^\circ = \frac{3}{2} \cdot 40 \cdot 1 = 60 \text{ см}$$

$$h_k = h - l_k \cdot \text{tg} 45^\circ = 60 - 40 \cdot 1 = 20 \text{ см}$$

$$h_0 = 60 - 4 = 56 \text{ см.}$$

Консол учун керакли бўлган бўйлама арматуранинг кесим юзаси:



3 ясси каркас шаклида  $3\text{Ø}20$  А-II ( $A_s=9.42\text{см}^2>9\text{см}^2$ )ни қабул қиламиз.

$2.5\alpha=2.5\cdot 20=50\text{см}<h=60\text{см}$  консол қия холда жойлашган хомутлар билан арматураланади.

Тепа чизикнинг ярмида кесишувчи ва  $Q_k$  нуқтасини консол асоси билан бирлаштирувчи қия хомутлар кесим юзаси:

$$f_k = 0.002bh_0 = 0.002 \cdot 40 \cdot 56 = 4.48\text{см}^2 \text{ булиши талаб қилинади.}$$

$\text{Ø}10$  А-II, унда  $f_k = 6 \cdot 0.785 = 4.71\text{см}^2 > 4.48\text{см}^2$  хомутни қабул қиламиз. (уч каркасинг чизигини ҳар бирининг икки хомут кесиб ўтади).

## **IV. МЕҲАТ МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ**

Меҳнат муҳофазасида меъерий-ҳуқуқий қонунлар системаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда 161-1 рақамли Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексини тасдиқлади.

Республикамизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш туғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган. Ушбу Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида амал қилувчи инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ушбу Қонун мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар; кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари; корхоналарда ишлашга жалб этиладиган харбий хизматчилар муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар; суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-42 моддаларида инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, 45-50 моддаларида инсон ҳуқуқлари эркинликлари кафолатланган ва бурчлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш туғрисидаги қонуннинг 1-7-моддаларида умумий қоидалар келтирилган. Меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш 15-моддаларда берилган, 16-21-моддаларда ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар ифодаланган. меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати 22-29-моддаларда берилган.

Меҳнат шартномалари VI бобда келтирилган, унда меҳнат шартномасининг мазмуни, шакли, муддати 73-76-моддада, ишга қабул қилиш ва дастлабки синов муддати 77-78-моддада, меҳнат шартномаларининг бекорқилиниши 97-113-моддаларда ўз аксини топган.

Меҳнат низолари XV бобда кўрилган бунда меҳнат низолари кўрилиб чиқадиган органлар 260-моддада халқ судлари 267-269-моддаларда меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожат этиш муддатлари 270-моддада меҳнат шартномасини ғайри-қонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайри-қонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш 274-моддада ўз аксини топган.

Давлат ижтимоий суғуртаси масалалари XVI бобнинг 282-288-моддаларида келтирилган (давлат ижтимоий суғуртасининг барча ходимларига татбиқ этилиши 282-модда давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари 284-модда хомиладорлик ва туғиш нафақаси 286-модда, дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа 288-модда, қарилик бўйича пенсия 289-модда, ногиронлик пенсияси 290-модда, боқувчисини йўқотганлик пенсияси 291-модда).

Махсус органлар меҳнат туғрисидаги қонунларнинг туғри амалга оширилишини, уларни корхона маъмурияти, ишчи ва хизматчилар томонидан бузилиши жиноят деб ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларининг асосий низомларини ривожлантириш давлат қўмиталари, вазирликлар ва бошқармалар томонидан ишлаб чиқарилади ва тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари билан келишилган ҳолда ҳар хил меъёрий (норматив) ҳужжатлар амалга татбиқ этилади.

Меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий (норма) ва қоидалар таъсир доирасига қараб умумий ва тармоқларга бўлинади. Ҳамма халқ хўжалиги тармоқларида меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳар хил бўлиб, умумлаштирувчи умумий меъёр ва қоидалар мавжуд. Буларга қуйидагилар «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМ ва К) «Санитария меъёрлари (СМ)» «Электр жиҳозларининг тузилиш қоидалари (ЭТК), «Юк кўтариш кранларининг тузилиш ва ҳавфсиз ишлатиш қоидалари» ва бошқалар киради.

Тармоқ меъёрлари ва қоидалари халқ хўжалигининг алоҳида тармоқларига таъсир қилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини, фақатгина шу ўзига хос тармоқ учун ўз ичига олади. Бу қишлоқ хўжалигида «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва йиғиб олгандан кейин уларга ишлов бериш ҳавфсизлик қоидалари», «Қишлоқ хўжалигида пестицидларни қўллаш, ташиш ва сақлаш санитария қоидалари» ва бошқалар.

Меъёрий (норматив) ҳужжатлар системасида муҳим ўринни меҳнат муҳофазаси бўйича қўлланмалар эгаллаган, улар алоҳида касблар ва иш турлари бўйича тузилган. Улар қуйидагиларга бўлинади: намунавий, илмий-текшириш, лойиҳа-конструкторлик, технологик ва бошқа институтлар ва ташкилотлар, шунингдек корхоналар ўзига тегишли вазирликлар топширигига асосан, ишчилар учун қўлланмалар, ҳар бир цех, участка, бўлим, фермер хўжалиги раҳбарлари томонидан ишчилар учун ишлаб чиқарилган қўлланмалар ҳар бир корхона ва бўлимларни алоҳида ўзига хослигини ҳисобга олади. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири стандартлар системасидир.

#### **4.1. Қурилишдаги ҳавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллар**

ГОСТ 12.0.003-74 га асосан ҳавфли ва зарарли омиллар ўз таъсирига қараб қуйидагиларга бўлинади: физикавий, кимёвий, биологик ва психо-физиологик.

**ФИЗИКАВИЙ ОМИЛЛАРГА** машина ва механизмларнинг ҳаракатланаётган, айланаётган ёки силжиётган қисмларини, механизм билан кўтарилаётган юкни, қаттиқ шовқин ва титрашларни, ҳавонинг ҳарорати ва намлигининг юқори ёки пастлигини, иш жойининг ортиқча ёки кам ёритилганлигини ва бошқаларни киритиш мумкин.

**КИМЁВИЙ ОМИЛЛАРГА** пестицидлар, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ацетилен ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа газларнинг таъсири киради.

**БИОЛОГИК ОМИЛЛАРГА** микроорганизмлар — ҳайвонлар, юқумли касаллик вируслари, бактериялар ва уларнинг ажратган маҳсулотлари, шунингдек заҳарли ўсимликлар киради.

**ПСИХО-ФИЗИОЛОГИК ОМИЛГА** - жисмоний зўриқишлар яъни (жисмоний куч сарфлаб бажариладиган ишлар) ва асабий психик зўриқишларни меҳнатнинг бир хиллигидан зерикарилиги, ақлий зўриқиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

ГОСТ 12.1.007.76 га асосан зарарли моддаларнинг организмга таъсир қилиш даражасига қараб 4 та ҳавфли синфга бўлинади:

1) ўта ҳавфли моддалар; 2) юқори ҳавфли моддалар; 3) ўртача ҳавфли моддалар ва 4) кам ҳавфли моддалар.

Моддаларнинг ҳавфли ва зарарли синфи қуйидаги 1-жадвада келтирилган:

Баъзи зарарли моддаларнинг меъерий хавфлилингининг айрим  
кўрсаткичлари

1-жадвал

Кўрсаткичлар	Хавfli синфга қўйиладиган меъёр			
	1-чи	2-чи	3-чи	4-чи
Иш жойидаги зарарли моддаларнинг рухсат этиладиган концентрацияси (МРК)мг/м <sup>3</sup>	0,1 дан кам	0,1-1,0	1-01-10,0	10,0 дан кўп
Ошқозонга юборилганда ўлдирадиган миқдор, мг/кг	15 дан кам	15-150	151-5000	5000 дан кўп
Терига тушганда ўлдирадиган миқдор, мг/кг	100 дан кам	100-500	501-2500	2500 дан кўп
Атмосферадаги ҳалок қиладиган ўртача «концентрацияси, мг/кг	500 дан кам	500-500	5001-50000	50000 дан кўп

Эслатма: Модданинг ҳалок қиладиган ўртача миқдори бу ошқозонга бир марта киритилганда тажриба хайвонларининг (каламуш, снчқонларнинг) 50%ини ўлдирадиган концентрацияси, 2-4 соат ингаляция таъсир қилганда тажриба ўтказилаётган хайвонларнинг 50%и ўлган.

## **4.2. Қурилишни ташкил этиш ва ишларни амалга ошириш лойихасида меҳнат муҳофазасининг ёритилиши**

Меҳнат муҳофазасига ўқитишни ташкил қилиш ва билимларни текшириш бўйича намунавий низомда (№ 272, 14.08.1996) барча корхона, ташкилот, муассаса, институт, илмий-тадқиқот ташкилотлари, бирлашма, ассоциация, корпоорация, холдинг, тармоқ, вазирлик ва бошқа мулк шаклидан қатъий назар малака талаблари ҳажмида ишчилар, раҳбарлар, мутахассислар, муҳандис-техник ходимлар учун меҳнат муҳофазасидан билимларни мажбурий назорат қилиш тартиби белгиланган.

Корхонага ишга кираётган ҳар бир ходимга хавфли иш усуллари бўйича йўриқнома, махсус малака олгандан ва билими текширилгандан кейин мустақил ишлашга рухсат берилади. Буғ ва иссиқлик қозонлари, юк кўтариш кранлари, босим остида ишловчи идишлар, электр ускуналари, махсус ускуналар каби хавфли ишларда ишловчиларга махсус ўқув курсларини битирганлари ҳақида ҳужжатлари бўлсагина ишлашга рухсат берилади. Ходимларни хавфсиз иш усулларига ўқитиш ва уларни тўғри ташкил қилиш бўйича умумий раҳбарлик ҳамда жавобгарлик корхона раҳбарларига ва бошқарув ташкилотларига юкланади. Цехларда, бўлимларда ишчиларни ва усталарни хавфсиз иш усулларига ўргатиш шу цех ҳамда бўлим раҳбарларига, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли ўқитишни назорат қилиш эса меҳнат муҳофазаси бўлимлари зиммасига юклатилади.

**Ишчилар билан йўриқнома ўтказиш.** Йўриқномалар икки хил бўлади: кириш ва иш жойида ўтказиладиган йўриқнома. Ўз навбатида иш жойида ўтказиладиган йўриқнома 3 хил бўлади: дастлабки, даврий ва навбатдан ташқари.

**Кириш йўриқномаси.** Барча ишга янги кирувчилар, бошқа корхоналардан хизмат сафарига жўнатилганлар (иш малакаси ва

стажидан қатъий назар) амалиёт ўтаётганлар ва шогирдлар кириш йўриқномасини ўтадилар. Уни корхонанинг меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходими ёки шу вазифа юклатилган бошқа раҳбар ходим ўтказади. Агар ишга қабул қилиш бевосита цехларда амалга оширилса, кириш йўриқномасини шу цехнинг бошлиғи ўтказиши керак.

Шикастланганларга дастлабки ёрдам кўрсатиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа махсус масалалар бўйича йўриқномаларни тегишли мутахассислар олиб борадилар.

Кириш йўриқномаси махсус адабиёт, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган меҳнат муҳофазаси хонасида, замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Кириш йўриқномаси гуруҳ билан ва якка тартибда ўтказилиши мумкин. Гуруҳ билан ўтказилганда эшитувчилар сони 10 кишидан ошмаслиги керак.

Кириш йўриқномаси ўтказилганлиги ҳақида махсус журналга ва ишчи кўлига топшириладиган ишга кириш варақасига ёзиб қўйилади.

#### **Кириш йўриқномасининг дастури:**

1. корхона тўғрисида умумий маълумот.
2. меҳнат муҳофазаси.

Хавфсизлик стандартлари тизимлари ҳақида умумий маълумот. Иш вақти ва дам олиш вақти. Аёллар ва балоғатга етмаганлар меҳнатини муҳофаза қилиш. Давлат, тармоқ ва жамоат назорати. Корхонада бахтсиз ҳодисаларни тафтиш қилиш. Ички меҳнат тартиби қоидалари.

#### **3.Хавфсизлик техникаси.**

Хавфли, зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва улардан ҳимояланиш. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг ва касб касалликларининг асосий сабаблари. Хавфсизлик стандартлари тизимларида ишлаб чиқариш жараёнларига ва ускуналарига қўйиладиган талаблар. Ускуналарнинг асосий хавфсизлик қоидалари. Огоҳлантирувчи, тўсувчи ва сигнал берувчи воситалар. Хавфсизлик ранглари ва белгилари. Электр токи билан жароҳатланиш хавфини оширувчи шароитлар. Жароҳатларнинг олдини олиш тартиблари.

Иш жойини хавфсиз ташкил қилиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар. Юк кўтариш ва ташиш механизмлари, ички транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари.

4.Ишлаб чиқариш санитарияси.

Ишлаб чиқариш муҳитининг асосий санитария-гигиеник омиллари. Меҳнат шароитини яхшилаш бўйича асосий тадбирлар (техник ва ташкилий, санитария-гигиеник, даволаш-профилактик). Иш жойлари хавосини алмаштиришнинг зарурати ва тузилиши. Ёруғликни тўғри ташкил қилиш. Шовқинга қарши тадбирлар.

5.Шахсий химоя воситалари, улардан фойдаланиш меъёр ва қоидалари. Химоя воситаларига қўйиладиган талаблар. Коржомалар махсус пойафзаллар. Қўл, бош, юз, кўз, нафас аъзолари, қулоқни химоя қилиш. Огоҳлантирувчи мосламалар.

6.Шахсий гигиена қоидалари. Санитария кийимлари, пойафзаллари ва воситаларига қўйиладиган талаблар.

7.Корхонада ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар.

8.Механик жароҳат олганда, куйганда, кислота ва ишқорлар билан куйганда захарланишда, электр ва кўз жароҳатлари олгандаги дастлабки ёрдам.

9.Хавфсизлик техникаси йўриқномалари бузилганда қўлланадиган жавобгарлик.

#### **4.3. Қурилиш монтаж ишларини амалга оширувчи ишчилар учун меҳнат муҳофазасини ишлаб чиқиш**

Юқорида бажариладиган монтаж ишларни бажаришга 18 ёшдан катта бўлган, врач кўригидан ўтган ишчиларга рухсат берилади. Монтажчилар олдиндан текширилган химоя белбоғлари, сирпанмайдиган оёқ кийм ва арқонлар билан таъминланган бўлиши керак. Кўтариш ва монтаж жойларига ўтиш йўлаклари ёпилган ва тўсиқлар билан ўралган бўлиши керак.

Монтаж ишларини бошлашдан олдин ва ишлар бажарилаётган пайитда тўсиқлар билан ўралган йўлакларни қурилиш устаси кўздан кечириш керак.

Ишдан чиққан ҳимоя белбоғлар, строплар ва ишсиз ҳолатга келган асбоблар билан ишлаш тақиқланади.

Монтаж учун керак бўлган катта ўлчамдаги блоклар иш жойидан 30см баландликда олдиндан ўрнатилган бўлиши керак. Бундай ҳолда блок монтажчи томонидан олдиндан белгиланган жойга ўрнатилади. Монтаж қилинаётган блок устида ишчилар бўлмаслиги керак.

Блоклар ўз навбатида деворларга ўрнатилиши керак катта блокларни ўрнатиш чоғида пастки қаватларда ишлар вақтинча тўхтатилиб турилиши керак.

1) Йирик конструкцияларни монтаж жараёнида юк кўтарувчи механизмларнинг таъсир чегарасида ҳеч ким бўлмаслиги керак.

2) Энг аввало, йирик конструкцияларни туғри тахлаш лозим ва юк ушлаб турувчи элементлар созлигини текшириш керак.

3) Монтаж ишларига 18 ёшдан кичик бўлмаган врач кўригидан ўтган ва монтаж ишлари учун рухсатномаси бор ишчилар қўйилади.

4) Монтаж ишларини бажаришдан аввал юк кўтарувчи мосламаларни созлигини яна бир мартта текшириш керак.

5) Танаффуз чоғида блокларни кўтарилган ҳолда ташлаб кетиш қатъиан ман қилинади.

6) Юк кўтаришдан аввал петлялар кўтарувчи мосламалар ва уларнинг сифати текширилади, дефектли конструкцияларни монтаж қилиш тақиқланади.

7) Юклар босиб қолган ёки музлаб қолган конструкцияларни кўтариш ман қилинади.

8) Кўтарилган юкларни ер сатҳидан 0,5м баландликда горизонтал кўчиришга рухсат этилади.

9) Юкларни монтажникларни иш ўрнининг тепасида ташиш ман этилади.

10) Конструкцияларни ўрнатиш жойига бинони ташқи тарафидан олиб келиш керак.

- 11) Йиғиқ конструкцияларни олдиндан ўрнатиладиган жойига 20-30см колганда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.
- 12) Конструкцияларни қабул қилиш чоғида девор четлари ва қават ёпмаларига четларида туришга монтажчиларга рухсат этилмайди.
- 13) Йиғиқ конструкциялар ёпмалар устида қолдириш ман этилади.
- 14) Йиғиқ конструкцияларни юк ташувчи машиналардан тушириш чоғида хайдовчи юк кабинасини тарк этиш керак.
- 15) Ҳамма монтажчилар каскалар ва ҳимояловчи белбоғлар ва махсус формалар билан таъминланган бўлишлари шарт.
- 16) Асбоб ускуналарни ўзи билан олиб юриш учун монтажчилар жамадон ёки яшиқлар орқали амалга оширишлари керак.

Ғишт териш ишларида олдиндан жароҳатларнинг асосий сабаблари технологик картани кетма- кетлигини бузилганда иш жойига етказиб бериладиган қурилиш материалларини нотуғри ташкиллаштиришда хавозаларни ўрнатиш чоғида хатоликларга йўл қўйилганда козирёқларни нотуғри монтаж қилганда, ишларни нотуғри қабул қилишда юқорида қурилиш материалларини тушиб кетиш ҳоллари сабаб бўлади. Ғишт теручига ғиштларни билан ҳимоя тусиқлари ўрнатилган ҳолда етказиб бериш мақсадга мувофиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И. А. Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т., 2009

2. Конституция Узбекистана – прочный фундамент нашего продвижения на пути демократического развития и формирования гражданского общества. Доклад Президента Ислама Каримова на торжественном собрании, посвящённом 20-летию Конституции Республики Узбекистан.

3. Модернизация страны и построения сильного гражданского общества - наш главный приоритет. Доклад Президента Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной Палаты и Сената Олий Мажлиси Республики Узбекистан 17 января 2010 года.

4. Наша главная задача – дальнейшее развитие страны и повышение благосостояния народа. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвящённом итогам социально-экономического развития страны в 2011 году и важнейшим приоритетам экономической программы на 2012 года.

5. <http://www.uzavtoyul.uz/r/news/1/>

6. Постановлению Президента Республики Узбекистан от 28 октября 2009 года № ПК-1213 «Об инвестиционной программе республики Узбекистан в 2010 году»

7. Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 декабря 2010 года № 1446 «Об ускорении инфраструктуры, транспортного и коммуникационного строительства в 2011-2015 годах»

8. Фойдаланилган интернет сайтлари:

[www.seismo.ru](http://www.seismo.ru); [www.am.bridge.com](http://www.am.bridge.com); [www.ekspan.com](http://www.ekspan.com);  
[www.architime.ru](http://www.architime.ru); [www.lex.uz](http://www.lex.uz); [www.google.ru](http://www.google.ru);

<http://www.dis-inc.com/technolo> Description of how build earthquake poof structures;

<http://transport.Ru>, <http://dailynews.Yahoo.com>

9. ҚМҚ 2.03.07-98 “Тош ва ўзактошли қурилмалар”. ЎЗР Давархитқурилиш Т; 1998

10. ҚМҚ. 2.03.01-96 “Бетон ва темирбетон конструкциялар”. ЎЗР Давархитқурилиш Т; 1998.

11. ҚМҚ . 2.01.03-96 “Зилзилавий хуудларда қурилиш”. ЎзР Давархитқурилиш. Т;1996.
12. ҚМҚ. 2.02.01-98 “Бино ва иншоотлар, заминлари”. Основания зданий сооружений . ЎзР Давархитқурилиш. Т., 1999.
13. ҚМҚ 2.01.01-94. “Лойихалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар”. ЎзР Давархитқурилиш Т. 1994.
14. ҚМҚ 2.01.07-96 “Юклар ва таъсирлар” ЎзР Давархитқурилиш. Т., 1996 61 б.
15. ҚМҚ 2.03.04-98 “Бетонные и железобетонные конструкции, предназначенные для работы в условиях воздействия повышенных и высоких температур”. ЎзР. Давархитқурилиш Т., 1998
16. ҚМҚ 2.03.08-98 “Деревянные конструкции”. ЎзР. Давархитқурилиш Т. 1998
17. ҚМҚ 3.03.01-98 “Несущие и ограждающие конструкций” ЎзР Давархитқурилиш Т. 1998
18. ҚМҚ 1.03.07-96 “Положение об авторском и техническом подзоре за строительство”. Ўз.Р. Давархитқурилиш Т. 1996.
19. ҚМҚ 2.03.06-97 “Алюминий қ урилмалар лойихалашнинг техник мейёрлари”. Ўз.Р. Давархитқурилиш Т. 1997.
20. ҚМҚ 2.03.05-97-“Пўлат конструкциялар” ЎзР Давархитқурилиш Тошкент 1997.
21. ҚМҚ 2.03.11-96 “Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш”. Тошкент, 2006
22. ҚМҚ 3.01.02-00 “Қурилишда ҳавфсизлик техникаси”. ЎзР. Давархитқурилиш Т. 1998. Тошкент, 2006
23. ҚМҚ 3.02.01-97 “ер иншоотлари ва пойдеворлари”. ЎзР. Давархитқурилиш Тошкент 1997.
24. ҚМҚ 3.03.02-98 “Металл конструкциялар” ЎзР Давархитқурилиш Т. 1998
25. Б. А. Асқаров, Ш. Р. Низамов “Темирбетон ва тош-ғишт конструкциялари”
26. В. Н. Байков, Э. Е. Сигалов “Железобетонные конструкции”. М., 1991. “Иқдисод-молия” Т., 2008
27. Н.Д.Золотницкий «Охрана труда в строительстве». М.,1987
28. П. А. Долин «Справочник по технике безопасности». М., 1982
29. А. Д. Любарский «Охрана труда при технической эксплуатации здания». М., 2001
30. ШНК. 2.01.02-04. «Пожаробезопасность здания и сооружений» Т., 2004
31. Н. С. Гайдуков «Пожарная безопасность промышленных зданий». М., 2002 г.
32. П. Орлов «Охрана труда в строительстве». М., 1984
33. СН-75-76. «Инструкция по проектированию автоматического тушения пожара». М., 1977

